

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 21 февраль,
ПФ-37-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги ПФ-37-сон Фармонига
1-ИЛОВА

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш йўналиши бўйича 2024 йилга мўлжалланган

АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

Олдинги тахрирга қаранг.

Т/р	Вазифалар	Амалий чора-тадбирлар	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Ҳамижрочилар
I. ҲАР БИР ИНСОНГА ЎЗ САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШИ УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ					
1-мақсад: Мактабгача таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда болаларнинг тўлиқ қамровини таъминлаш					
<i>Ижро учун асосий масъул — Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова)</i>					
1.	Мактабгача таълим билан қамров даражасини 76 фоизга етказиш.	1. 1 400 та давлат-хусусий шериклик асосидаги, шу жумладан оилавий мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш. 2. Инвестиция дастури доирасида 43 та мактабгача таълим ташкилотларини куриш ва 133 та реконструкция қилиш орқали 5570 та қўшимча янги қувватлар яратиш. 3. 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизими билан қамров даражасини 96 фоизга етказиш.	2024 йил якунига қадар	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги О. Фозилкаримов
2.	Давлат мактабгача таълим ташкилотларида	170 та давлат мактабгача таълим ташкилотларининг мактабга тайёрлов гуруҳларида замонавий таълим	2024 йил якунига қадар	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги О. Фозилкаримов

	компьютер гуруҳларини ташкил этиш.	планшетлари ва сенсорли экранли интерактив доскалардан иборат компьютер гуруҳларини ташкил этиш учун техникалар харид қилиш.		республика бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида	
2-мақсад: Умумий ўрта таълим тизимида «Таълим учун қулай муҳит» дастурини амалга ошириш					
<i>Ижро учун асосий масъул — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари</i>					
3.	Янги мактабларни қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш ҳамда уларда зарур шарт-шароитларни яратиш.	518 та мактабни реконструкция қилиш ва 30 та мактабни янгидан барпо этиш орқали 175 минг ўқувчи ўрнини яратиш.	2024 йил якунига қадар	Республика бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норқулов, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Б. Закиров, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Х. Умарова
<i>Ижро учун асосий масъуллар — Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова), «Ўқувтаълимтаъминот» ДУК</i>					
4.	Умумий ўрта таълим мактабларини мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, спорт анжомлари ва техник воситалар билан таъминлаш.	1. Умумий ўрта таълим муассасаларини бирламчи спорт жиҳозлари ва миллий мусиқа чолғу асбоблари билан таъминлаш бўйича манзилли дастурни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2024 йил апрель	Республика бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норқулов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
		2. Тасдиқланган дастурга асосан бирламчи спорт жиҳозлари ва миллий мусиқа чолғу асбобларини белгиланган тартибда харид қилиш.	2024 йил якунига қадар		
		3. Умумтаълим мактабларидаги 2 200 та маънан эскирган компьютер синфларини янгилаш.	2024 йил август		
<i>Ижро учун асосий масъул — «Ўзсувтаъминот» АЖ (Д. Азимов)</i>					
5.	Мактабгача ва мактаб таълими тизимидаги умумтаълим мактабларни тоза	1. Маҳаллий ҳокимликлар томонидан тоза ичимлик суви билан таъминланмаган ҳамда таъмирталаб санитария-гигиена инфратузилмаси	2024 йил март	Республика ва маҳаллий бюджет маблағлари	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норқулов, Қурилиш ва уй-жой коммунал вазирлиги

	<p>ичимлик суви билан таъминлаш ҳамда умумтаълим мактабларининг санитария-гигиена инфратузилмасини босқичма-босқич таъмирлаш.</p>	<p>мавжуд умумтаълим мактабларини қайта хатловдан ўтказиш.</p> <p>2. Хатлов натижаси асосида лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва унга асосан зарур бўлган маблағларни ажратиш.</p>	<p>2024 йил апрель</p>		<p>Б. Зокиров, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Х. Умарова, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари</p>
<p><i>Ижро учун асосий масъуллар — Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (М. Азимов) ва Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (У. Қосимов)</i></p>					
<p>6.</p>	<p>Олис ва чекка ҳудудларда жойлашган умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун бепул автобусларни йўлга қўйиш.</p>	<p>Олис ва чекка ҳудудларда жойлашган умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун эксперимент тариқасида бепул автобусларни йўлга қўйиш.</p> <p>1. Бунда: тажриба-синов тариқасида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида 100 та умумий ўрта таълим мактабида олис ҳудудлардан қатнайдиған ўқувчиларни автобуслар билан мактабга қатновини аутсорсинг асосида ташкил этиш; халқаро тажрибани ўрганган ҳолда олис ҳудудлардан ўқувчиларнинг хавфсиз ва қулай қатновини аутсорсинг асосида ташкил этиш тартибини ишлаб чиқиш; аутсорсинг тизими асосида бепул автобус қатновини йўлга қўйиш билан боғлиқ сарф-харажатлар учун зарур маблағларни ажратиш; мазкур жараёнлар устидан назоратни олиб боришга кенг жамоатчилик вакиллари фаол жалб қилиш.</p>	<p>2024 йил сентябрдан бошлаб</p>	<p>Маҳаллий бюджет маблағлари</p>	<p>Транспорт вазирлиги И. Махкамов, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норқулов</p>

		<i>Ижро учун асосий масъул — Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова)</i>			
		2. Эксперимент натижалари бўйича ушбу амалиётни бошқа ҳудудларда ҳам жорий этиш юзасидан асослантирилган таклифларни ишлаб чиқиш.			
<i>Ижро учун асосий масъуллар — Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова), «Ўқувтаълимтаъминот» ДУК</i>					
7.	Мактабларда ўқув-лаборатория хоналарини зарур ўқув жиҳозлари билан таъминлаш даражасини ошириш.	1. Давлат умумий ўрта таълим ташкилотларининг ўқув-лаборатория хоналарини ўқув жиҳозлари билан таъминланганлик ҳолатини хатловдан ўтказиш. 2. Ўрганишлар натижасига кўра, уларни зарур ўқув жиҳозлари билан тўлиқ таъминлаш юзасидан таклифларни шакллантириш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2024 йил май 2024 йил июль	-	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги О. Фозилкаримов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
3-мақсад: Умумий ўрта таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш					
<i>Ижро учун асосий масъул — Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова)</i>					
8.	Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни умуминсоний ва миллий кадриятлар, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, шунингдек, уларда коммуникатив кўникмалар, танқидий ва креатив фикрлаш, ҳамкорликда ишлаш, тадқиқотчилик каби	1. Умумий ўрта таълим муассасалари учун 131 номдаги янги дарсликлар, машқ дафтарлари, ўқитувчи методика китобларини яратиш. 2. Ўқитувчиларнинг янги методикалар бўйича малакасини ошириб бориш. 3. Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларида коммуникатив кўникмалар, танқидий ва креатив фикрлаш, ҳамкорликда ишлаш қобилиятларини ривожлантиришга	2024 йил якунига қадар 2024 йил май	Республика бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида -	Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази -

	кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим дастурларини амалиётга киритиш.	қаратилган «софт скилз» кўникмаларига бағишланган мавзулар ўтилишини йўлга қўйиш юзасидан таклифларни киритиш.			
9.	Умумий ўрта таълим мактабларида билимни баҳолашнинг янги тартибини жорий этиш ҳамда иккинчи хорижий тил ва касбни ўргатишни кенгайтириш.	1. 2023-2024 ўқув йили якунида республика миқёсида 500 та умумтаълим мактабларида билимни баҳолашнинг янги тартиби бўйича ўтказилган тажриба-синов натижаларини таҳлил қилиш. 2. Таҳлиллар натижасида янги тартибни такомиллаштириш ва 2024-2025 ўқув йилидан бошлаб янги баҳолаш тизими жорий этиладиган мактаблар сонини 1500 тага етказиш.	2024 йил июнь 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб	Республика ва маҳаллий бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норқулов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
4-мақсад: Педагог кадрлар мақомини ошириш, уларнинг билими ва малакасини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш					
<i>Ижро учун асосий масъул — Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова)</i>					
10.	Педагогларни хорижий давлатларга малака ошириш ва стажировкага юбориш.	1. Тасдиқланган режа асосида 100 нафар давлат умумий ўрта таълим ташкилотларининг педагогларини хорижий мамлакатларга малака ошириш ёки стажировкага юбориш учун ҳудудлар кесимида тенг тақсимланган ҳолда саралаб олиш. 2. «Эл-юрт умиди» жамғармаси кўмагида саралаб олинган педагогларни хорижий мамлакатларга малака ошириш ва стажировкага юбориш.	2024 йил июнь 2024 йил якунига қадар	Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан	«Эл-юрт умиди» жамғармаси А. Бекмуродов, Ташқи ишлар вазирлиги Б. Саидов
11.	Педагогларни ишга қабул қилиш жараёнини халқаро стандартларга мувофиқ	1.Мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган тарбиячи-педагог кадрларни психологик методика ва тестлар	2024 йил 1 июнь	-	-

	такомиллаштириш, уларнинг дарсларни ўз вақтида ва сифатли ўтишини қатъий таъминлаш.	орқали саралаш механизмларини ишлаб чиқиб, уларни жорий этиш юзасидан таклифлар киритиш. 2. Мактабларда дарсларни ўз вақтида ва юқори савияда ўтказилиши, дарсларнинг асосиз қолдирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриш ва дарс жадвалларига амал қилинишини қатъий таъминлаш.	Доимий		
<i>Ижро учун асосий масъул — Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов)</i>					
12.	Олий таълим ташкилотлари педагоглари фаолияти самарадорлигини ошириш.	Илғор хорижий тажриба асосида олий таълим ташкилотлари профессор-ўқитувчиларининг рейтингини юритиш тартиби юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2024 йил июнь	-	-
5-мақсад: Умумий ўрта таълимни ривожлантириш учун хусусий секторни кенг жалб қилиш					
<i>Ижро учун асосий масъул — Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова)</i>					
13.	Нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари қамровини кенгайтириш.	1. Нодавлат умумтаълим ташкилотлари сонини 470 тага етказиш. 2. Нодавлат умумтаълим ташкилотлари фаолиятини таҳлил қилиб бориш.	2024 йил якунига қадар	Республика бюджетидан ажратилган маблағлар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари
6-мақсад: Профessional таълим тизимини ривожлантириш орқали ўқувчиларни замонавий билим ва кўникмаларга ўргатиш					
<i>Ижро учун асосий масъул — Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов)</i>					
14.	Профessional таълим муассасаларининг педагог кадрлари таркибий сифатини яхшилаш, уларнинг малакасини илғор	1. Хорижий тажрибалар асосида малака ошириш дастурларини тўлиқ янгилаш ва масофавий ёки аралаш шакллардаги малака ошириш курсларига мослаштириш ҳамда электрон платформага жойлаштириш.	2024 йил ноябрь	-	-

	хорижий тажриба асосида ошириш.	<p>2. Педагог кадрларнинг малака оширишга бўлган эҳтиёжлари асосида педагог кадрларни малака ошириш курслари ва методик семинарларга жалб этиш.</p> <p>3. Профessional таълимни ривожлантириш институти малака ошириш курсларига камида 5 нафар хорижий мутахассисларни жалб қилиш.</p> <p>4. Бухоро, Самарқанд, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ишлаб чиқариш таълими усталарини малака ошириш ҳудудий курсларини ташкил этиш.</p> <p>5. Педагог кадрлар фаолиятини баҳолаш ва юқори натижаларни қайд этган педагоглар малака тоифасини ошириш ҳамда педагоглар сифат таркибини 30 фоизга етказиш.</p>			
7-Мақсад: Олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш					
<i>Ижро учун асосий масъуллар — Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (О. Фозилкаримов)</i>					
15.	Ёшларни олий таълим билан қамров даражасини ошириш.	<p>1. Олий таълим муассасалари имкониятларини ҳисобга олган ҳолда кадрлар буюртмачилари таклифлари асосида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш параметрлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Ёшларни олий таълим билан қамров даражасини ошириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2024 йил апрель</p> <p>2024 йил май</p>	Давлат бюджети маблағлари, тўлов-контракт асосидаги маблағлар	Тизимида олий таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар

16.	<p>Нодавлат ва республикада фаолият олиб бораётган хорижий олий таълим ташкилотларига кундузги таълим шаклида давлат буюртмаси қабул параметрларини ошириш.</p>	<p>1. Республикада фаолият юритаётган нодавлат ва хорижий олий таълим ташкилотлари ва филиалларининг қабул параметрларини таҳлил этиш.</p> <p>2. Нодавлат ва республикада фаолият олиб бораётган хорижий олий таълим ташкилотларида давлат грантлари бўйича кадрлар тайёрлаш ўрнини 1200 тага етказиш (20% га ошириш) юзасидан таклифларни шакллантириш.</p> <p>3. Республикада фаолият олиб бораётган нодавлат ва хорижий олий таълим ташкилотларида давлат гранти асосида ўқитишни фақат кундузги таълим шаклида амалга ошириш бўйича таклиф киритиш.</p>	<p>2024 йил апрель</p> <p>2024 йил май</p> <p>2024 йил май</p>	<p>Давлат бюджети маблағлари доирасида</p>	<p>Тизимида олий таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар</p>
<i>Ижро учун асосий масъул — Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов)</i>					
17.	<p>Олий таълим муассасаларини дунёнинг энг нуфузли «ТОП-1 000» олий таълим ташкилотлари рейтингига киритиш.</p>	<p>1. Олий таълим ташкилотлари илмий педагогик фаолият кўрсаткичларини халқаро нуфузли рейтинг агентликлари талабларига мувофиқлигини таҳлил қилиш.</p> <p>2. Халқаро нуфузли рейтинг агентликлари экспертлари иштирокида республика олий таълим ташкилотлари рейтинг кўрсаткичларини яхшилаш бўйича мастер-класс, семинар-тренинглари ташкил этиш.</p>	<p>2024 йил якунига қадар</p>	<p>Тегишли олий таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан</p>	<p>Олий таълим ташкилотлари</p>
18.	<p>Олий таълим ташкилотларининг таълим дастурларини халқаро</p>	<p>1. Халқаро аккредитация ташкилотлари билан таълим дастурларини баҳолаш мақсадида шартномалар тузиш.</p>	<p>2024 йил декабрь</p>	<p>Тегишли олий таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари</p>	<p>Олий таълим ташкилотлари</p>

	аккредитациядан ўтказиш.	2. Олий таълим ташкилотларини халқаро аккредитациядан ўтказиш, аккредитация хулосалари асосида улар фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш.		маблағлари ҳисобидан	
19.	Таълим тизимини халқаро меҳнат бозоридаги ўзгаришлар, технологик жараёнларга мос ташкил этиш, олийгоҳлардаги таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш.	<p>1. Олийгоҳларда амалиётга йўналтирилган мутахассисларни тайёрлаш муддатлари ва ўқув-услубий қўлланмаларни қайта кўриб чиқиш, таълим дастурларини дунёнинг нуфузли университетлари андозаси асосида такомиллаштириш. Бунда:</p> <p>бакалавриатдаги таълим тизимини тўлиқ қайта кўриб чиқиш ва мазмун жиҳатидан яқин бўлган йўналишлар бирлаштирилиб, замонавий меҳнат бозори талабларига мослаштириш;</p> <p>бухгалтерия, логистика, маркетинг, IT, дизайн, туризм каби бакалавриат йўналишларида ўқиш муддатини қайта кўриб чиқиш;</p> <p>био-муҳандислик, нано-технология, IT инжиниринг, урбанистика, яшил энергетика каби истиқболли янги мутахассисликларга ўқитишни йўлга қўйиш.</p> <p>2. Битирувчиларнинг иш билан таъминланганлигини махсус платформа орқали доимий онлайн мониторинг қилиш амалиётини такомиллаштириш.</p>	2024 йил июль	-	-

20.	«Топ-500»га кирадиган хорижий университетлар билан ҳамкорликда қўшма таълим дастури асосида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш.	<p>1. «Топ-500»га кирадиган хорижий университетлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш.</p> <p>2. Қўшма таълим дастури (икки дипломли тизим) асосида кадрлар тайёрлаш бўйича хорижий университетлар билан келишувларга эришиш.</p> <p>3. Ҳамкор университетлар билан 10 та қўшма таълим дастури асосида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш.</p>	<p>2024 йил март</p> <p>2024 йил апрель</p> <p>2024 йил октябрь</p>	-	Олий таълим ташкилотлари
8-мақсад: Олий таълим муассасалари ташкилий-бошқарув фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш					
<i>Ижро учун асосий масъул — Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов)</i>					
21.	Муҳандислик соҳасида кадрлар тайёрлайдиган салоҳиятли олий таълим муассасалари ташкилий-бошқарув фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг илмий фаолият самарадорлигини ошириш ва моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш.	<p>1. Муҳандислик-техник соҳасидаги 33 та давлат олий таълим муассасаларининг фаолиятини комплекс таҳлил қилиш.</p> <p>2. Муҳандислик-техник соҳасидаги олий таълим муассасаларида: кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва қабул параметрларининг соҳа тармоқларининг кадрларга бўлган реал эҳтиёжларига мувофиқлигини; моддий-техника базаси (замонавий лабораториялар ва асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги) ҳолатини; амалдаги ўқув дастурларининг ишлаб чиқариш технологиялари ва иш берувчиларнинг талабларига мувофиқлигини; талабаларнинг соҳадаги ишлаб-чиқариш ташкилотларида амалий билим олишини баҳолаш.</p>	<p>2024 йил март</p> <p>2024 йил апрель — июнь</p>	Тегишли олий таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари, тармоқ ишлаб чиқариш корхоналари маблағлари ҳисобидан	Энергетика вазирлиги Ж. Мирзамахмудов, Транспорт вазирлиги И. Махкамов, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норқулов, тармоқ ишлаб чиқариш корхоналари

		3. Ўрганиш натижалари бўйича асосланган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2024 йил сентябрь		
<i>Ижро учун асосий масъул — Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов)</i>					
22.	Талабаларга кулай шарт-шароитлар яратиш учун олий таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш.	Олий таълим муассасаларида талабалар турар жойларини куриш бўйича лойиҳа хужжатларини расмийлаштириш. 2024 йил якунига қадар олий таълим муассасаларида талабалар турар жойларини яратиш.	2024 йил декабрь	Тадбиркорлар маблағлари ҳисобидан (давлат-хусусий шериклик), Давлат бюджетида мазкур мақсадларга ажратилган маблағлар, олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норқулов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
9-мақсад: Фундаментал тадқиқотларни замон талабларидан келиб чиқиб янги йўналишлар билан бойитиш					
<i>Ижро учун асосий масъул — Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов)</i>					
23.	Дунёда тан олинган илмий мактаблар билан ҳамкорликда математика, биология, кимё, геология, физика, эпидемиология, сейсмология, биохилма-хиллик каби йўналишларда фундаментал тадқиқотларни амалга ошириш учун комплекс илмий дастурларни амалга ошириш.	Фундаментал тадқиқотларни амалга ошириш учун илмий лойиҳалар танловини ўтказиш тартибини такомиллаштиришни назарда тутувчи тегишли норматив-ҳуқуқий хужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2024 йил июнь	Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари учун ажратиладиган маблағлар	Фанлар академияси Б. Юлдашев, Соғлиқни сақлаш вазирлиги А. Худаяров, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги Б. Исломов
		Дунёда тан олинган илмий мактаблар билан ҳамкорликда математика, биология, кимё, геология, физика, эпидемиология, сейсмология, биохилма-хиллик каби йўналишларда фундаментал тадқиқотларни амалга ошириш учун комплекс илмий-	2024 йил декабрь		

		тадқиқот лойиҳаларини саралаб олишни ташкил этиш.			
<i>Ижро учун асосий масъул — Фанлар академияси (Б. Юлдашев)</i>					
24.	Фундаментал тадқиқотлар комплекс илмий дастурлар доирасида амалга оширилиши режалаштирилган илмий-тадқиқот лойиҳалар йўналишига мос етакчи хорижий илмий мактаблар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.	Фундаментал тадқиқотлар комплекс илмий дастурлар доирасида амалга оширилиши режалаштирилган илмий-тадқиқот лойиҳалар йўналишига мос етакчи хорижий илмий мактаблар билан музокаралар олиб бориш.	2024 йил март	-	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги К. Шарипов, Соғлиқни сақлаш вазирлиги А. Худаяров, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги Б. Исломов
		Музокаралар натижасига кўра фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳасига етакчи хорижий илмий ташкилот, илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасасидан (шу жумладан у ерда фаолият юритувчи ватандош олим) ҳамраҳбар тайинлаш.	2024 йил март	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги А. Худаяров, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги Б. Исломов
		Хорижий ҳамраҳбар билан биргаликда фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳа талабномасини шакллантириш.	2024 йил август	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги А. Худаяров, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги Б. Исломов
		Шакллантирилган илмий-тадқиқот лойиҳа талабномасини илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида амалга ошириш чораларини кўриш.	2024 йил декабрь	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги А. Худаяров, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги Б. Исломов
25.	Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи бўйича бирламчи ёзма манбалар асосида таълим бериш ҳамда ушбу йўналишда илмий-	1. Ишчи гуруҳ тузган ҳолда манбашунослик йўналишида кадрлар тайёрлайдиган давлат олий таълим муассасалари дастурларини ўрганиш ва таҳлил қилиш.	2024 йил якунига қадар	Республика бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги К. Шарипов, Фанлар академияси Б. Юлдашев

	тадқиқот ишларини ривожлантириш.	2. Манбашунослик йўналишида кадрлар тайёрлайдиган давлат олий таълим муассасалари талабаларининг Фанлар академияси Шарқшунослик институтида амалиётларини ташкил этиш, талабаларни институтнинг етакчи мутахассисларига бириктириш. 3. Манбашунослик бўйича илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш мақсадида хориждаги фондларда ҳамда аҳолидаги мавжуд қадимий ва нодир қўлёзмаларни ўрганиш.			
10-мақсад: Иқтисодиётнинг энг тез ўсиб бораётган йўналишларида амалий тадқиқотларни кучайтириш, «корхона — олийгоҳ — илмий ташкилот» кластер тизимини жорий этиш					
<i>Ижро учун асосий масъул — Инновацион ривожланиш агентлиги (Ш. Ражаббаев)</i>					
26.	Жорий йилда илмий фаолиятга оид давлат дастурларига ажратилган маблағларга нисбатан сотилган инновацион маҳсулотлар ҳажмини 10 фоизга етказиш.	1. Тармоқ ташкилотларининг инновацион маҳсулотларга бўлган талабини таҳлил қилиш. 2. Таҳлил натижаларига кўра инновацион ишланмалар тақдимотларини ташкил этиш. 3. Тайёр инновацион маҳсулотлар кўргазмаларини ташкил этиш ҳамда сотув шартномаларини имзолаш.	2024 йил апрель 2024 йил август 2024 йил ноябрь	Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
27.	Инновацион фаолият инфратузилма субъектлари (технологик парклар, технологиялар трансфери марказлари, инновацион кластерлар, венчур фондлар, бизнес-	1. Худудларда ташкил этилган ёшлар технопарклари фаолиятини такомиллаштириш учун хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Ёшлар технопаркларида бизнес акселератор дастурларини йўлга қўйиш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.	2024 йил апрель 2024 йил июнь	ташаббускорлар маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

	инкубаторлар ва акселератор) сонини жами 55 тага етказиш.	3. Ёшлар технопаркларида InnoX бизнес инкубаторларини ташкил қилиш.	2024 йил ноябрь		
<i>Ижро учун асосий масъул — Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов)</i>					
28.	Илмий ишланмаларни тижоратлаштириш лойиҳалари асосида илмий ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектлари ўрасида тузилган шартномаларни 280 тага етказиш.	1. Тижоратлаштириш лойиҳаларини молиялаштириш тартибини белгиловчи тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. 2. Инновацион ҳудудларда илмий ишланмаларни жорий этишда истиқболли тадбиркорлик субъектларининг базасини шакллантириш. 3. Тадбиркорлик субъектлари томонидан илмий ташкилотлар билан ўзаро шартномаларнинг тузилишига эришиш.	2024 йил июнь 2024 йил август 2024 йил декабрь	-	Инновацион ривожланиш агентлиги Ш.Ражаббаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
11-мақсад: Ёш тадқиқотчиларнинг улушини ошириш, уларнинг илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш					
<i>Ижро учун асосий масъул — Инновацион ривожланиш агентлиги (Ш. Ражаббаев)</i>					
29.	Олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар учун ажратилган олий таълимдан кейинги таълим квоталари сонини босқичма-босқич ошириб бориш.	1. Давлат бюджети ҳисобидан докторантура учун қабул квоталарига талабномаларни қабул қилиш. 2. Илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда (докторантура, магистратура) хорижий тилни билиш даражасини соҳаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, табақалаштириш юзасидан асосланган таклифлар ишлаб чиқиш. 3. Келиб тушган талабномаларни умумлаштириб, Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этиш.	2024 йил июнь 2024 йил июнь 2024 йил июль	Республика бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида	Тасарруфида илмий ва таълим ташкилотлари мавжуд вазирлик идоралар, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норқулов, Фанлар академияси Б. Юлдашев

		4. Давлат бюджети ҳисобидан докторантура учун қабул квоталарини илмий ва таълим ташкилотлари кесимида тасдиқлаш.	2024 йил сентябрь		
30.	Хорижий ташкилотларга қисқа муддатли стажировкаларга юбориладиган ёш тадқиқотчиларнинг улушини 47 фоизга етказиш.	<p>1. ОТМ ва ИТМлар томонидан хорижий ташкилотлар билан қисқа муддатли стажировкалар бўйича ҳамкорлик келишувларини йўлга қўйиш.</p> <p>2. Ёш олимларни қисқа муддатли стажировкага юбориш бўйича мақсадли танловлар эълон қилиш.</p> <p>3. Ёш олимларни саралаш ва етакчи хорижий ташкилотларга қисқа муддатли стажировкага юбориш.</p>	<p>2024 йил май</p> <p>2024 йил июль</p> <p>2024 йил давомида</p>	Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	Тегишли олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари
31.	Олий таълимдан кейинги таълим институтларига қабул қилиш тартибини такомиллаштириш.	<p>1. Олий таълимдан кейинги таълим институтларига қабул қилиш тартибини такомиллаштиришни назарда тутувчи тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> <p>2. Олий таълимдан кейинги таълимни мувофиқлаштиришнинг ягона электрон тизими орқали барча изланувчилар ва илмий раҳбарларни қамраб олиш.</p> <p>3. Илмий фаолиятни амалга оширувчиларни идентификация қилишнинг ягона тизимини жорий қилиш асосида уларнинг илмий фаолиятига доир маълумотларни тўплаб бориш имкониятини яратиш.</p>	<p>2024 йил июль</p> <p>2024 йил сентябрь</p> <p>2024 йил давомида</p>	Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	Тегишли олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари

32.	<p>Инновацион фаолият соҳасидаги стартапларни акселерация дастуридан ўтказиш орқали молиялаштиришнинг янги тизимини жорий этиш.</p>	<p>1. Инновацион фаолият соҳасидаги стартап лойиҳаларини молиялаштириш тартибини белгиловчи тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> <p>2. Махсус платформа орқали келиб тушган стартапларни акселерациядан ўтказиш ҳамда саралаш.</p> <p>3. Акселерациядан муваффақиятли ўтган стартап лойиҳаларни молиялаштириш.</p>	<p>2024 йил июль</p> <p>2024 йил октябрь</p> <p>2024 йил декабрь</p>	-	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари</p>
<p>12-мақсад: Барча йўналишларда инновацион фаолиятни кенг жорий этиш, илмий тадқиқотларни ва инновацион ташаббусларни қўллаб-қувватлаш</p>					
<p><i>Ижро учун асосий масъул — Фанлар академияси (Б. Абдухалимов)</i></p>					
33.	<p>Ватанимизнинг яқин тарихи, хусусан, жадидчилик ҳаракати, Туркистон мухторияти ҳақида ишончли маълумотлар етказилишини таъминлаш.</p>	<p>«Жадидлар, Туркистон мухторияти ва миллий матбуот» таҳлилий-ҳужжатли тўпламини тайёрлаш.</p> <p>Бунда, жадидларнинг миллий давлатчиликни тиклаш йўлидаги қарашлари ва курашлари, Туркистон мухториятининг пайдо бўлиши, фаолияти, тугатилишига оид тарихий жараён бирламчи даврий манба — миллий матбуот негизида таҳлил этиб берилди ҳамда тегишли ҳужжатлар изоҳлари билан эълон қилинади.</p>	2024 йил декабрь	Тарих институтига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар	ФА Тарих институти Азамат Зиё
<p>13-мақсад: Аҳолининг ўртacha умр давомийлигини ошириш</p>					
<p><i>Ижро учун асосий масъул — Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров)</i></p>					
34.	<p>Аҳоли ўртасида сурункали касалликларни барвақт аниқлаш ва улар билан касалланиш</p>	<p>1. 18 — 40 ёшли 12,6 млн нафар аҳолини профилактик кўрикдан ўтказиш ва натижаларига кўра фуқароларни соғломлаштириш.</p>	2024 йил декабрь	-	-

	ҳолатларини кескин камайтириш.	2. Хавф гуруҳига мансуб аҳолини режа асосида флюорография текширувларидан ўтказиш.			
35.	Аҳолининг юқумли бўлмаган касалликларни олдини олиш, уларнинг хавф омиллари, эрта аниқлаш ва даволаш бўйича хабардорлигини ошириш.	Аҳолининг юқумли бўлмаган касалликларни олдини олиш бўйича хабардорлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Бунда: аҳоли учун юқори рейтингли телеканаллар орқали ТВ кўрсатувларини ва бошқа ОАВда мунозараларни ҳафтасига камида 1 марта мунтазам равишда намойиш этиш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш; аҳоли учун қисқа ижтимоий видео роликлар яратиш ва уларни юқори рейтингли кўрсатув, сериаллар намойиши вақтида эфирга узатиш; соғлом турмуш тарзи ҳақида алоҳида телекўрсатув тайёрлаш ва доимий равишда эфирга узатиш; аҳолига соғлом турмуш тарзи олиб бориш бўйича доимий маълумот бериш учун (интерактив) электрон платформа (мобил илова) ишлаб чиқиш ва ССВ веб-сайтида алоҳида саҳифа ишга тушириш	2024 йил март	Ҳисоб-китобларга кўра	Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги А. Ходжаев
<i>Ижро учун асосий масъул — Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров)</i>					
36.	Онкологик касалликлар келтириб чиқарувчи маҳаллий омилларни таҳлил қилиш.	Қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган пестицид ва гербицидларнинг, ичимлик суви ва онкологик касалликлар келиб чиқишига	2024 йил июль	Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари учун ажратиладиган маблағлар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги И. Абдурахмонов

		боғлиқлигини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ўтказиш.			
14-мақсад: Аҳолига бирламчи тиббий хизматларни янада яқинлаштириш					
<i>Ижро учун асосий масъул — Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров)</i>					
37.	Бюджет ташкилотлари томонидан фуқароларга хизматларни кўрсатишда электрон тўлов тизимларидан кенг фойдаланишни таъминлаш.	Соғлиқни сақлаш ва соғломлаштириш муассасаларини электрон тўлов тизимларига улаш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга ошириш. Бунда, кўрсатилган хизматлар учун нақд пул шаклида амалга оширилган тўловлар белгиланган муддатда банк ҳисобрақамига топширилмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда, муассаса раҳбари, бош ҳисобчиси ва кассирлар масъулиятини ошириш бўйича жавобгарлик чораларини кучайтиришни назарда тутиш.	2024 йил апрелга қадар	Вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги О. Фозилкаримов, Солиқ қўмитаси Ш. Кудбиев
15-мақсад: Болалар ўртасидаги ирсий касалликларнинг олдини олиш ва даволаш самарадорлигини ошириш					
<i>Ижро учун асосий масъул — Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров)</i>					
38.	Болалар орасида оммавий ва селектив скрининг турларини 36 тага етказиш. Ирсий касалликлар билан касалланган болаларни дори воситалари, тиббий буюмлар ва шифобахш озуқалар билан 100 фоиз таъминлаш. Болаларда ирсий касалликлар бўйича селектив скрининг	1. 3 — 18 ёшли 9,8 млн нафар болаларни онкогематологик касалликларни эрта аниқлаш бўйича оммавий ва селектив скринингдан ўтказиш. 2. 900 минг нафар чақалоқларни туғма гипотиреоз, фенилкетонурия касалликларини аниқлаш бўйича неонатал скринингдан ўтказиш. 3. 6 та лизосомал (Гоше, Помпе, Фабри, Краббе, А ва В турдаги Ниммана-Пика касалликлари ҳамда I типи) касалликларга кўрсатма асосида хавф гуруҳига кирувчи 15 минг нафар	Тармоқ режасига мувофиқ	Давлат бюджетидан ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлар доирасида	-

	текширувлар турларини 4 тага етказиш.	чакалоқ ва болаларда ҳар йили селектив скрининг ўтказиш. 4. 229 та туғруқ муассасаларида янги туғилган чакалоқларни эшитиш қобилиятини аниқлаш бўйича аудиоскринингдан ўтказиш.			
16-мақсад: Оналар ва болалар ўлимини қисқартириш, соғлом болаликни таъминлаш					
<i>Ижро учун асосий масъул — Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров)</i>					
39.	Туғиш ёшидаги ва ҳомиладор аёлларга ҳамда болаларга 7 турдаги витаминлар, йод ва фолий кислотасини бепул тарқатиш ишлари самарадорлигини ошириш. Туғиш ёшидаги аёлларни темир ва фолий кислотаси билан 100 фоиз таъминлаш.	Қуйидагилар: 1 млн нафар ҳомиладор ва 1,5 млн нафар бола эмизувчи аёлларни йод препарати билан; 5,9 млн нафар 35 ёшгача туғиш ёшидаги аёлларни темир ва фолий кислотаси препарати билан бепул таъминлаш.	2024 йил декабрь	Давлат бюджетидан ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлар доирасида ва халқаро молия институтлари маблағлари	-
40.	Болаларнинг соғлом овқатланишини таъминлаш орқали рационал ўсиши ва ривожланиши, ақлан баркамол бўлиб шаклланишини таъминлаш.	1. 6 — 23 ойлик бўлган жами 1,2 млн нафар болани микронутриент кукуни билан бепул таъминлаш. 2. 6,5 млн нафар 2 — 10 ёшдаги болаларни гельминтоз профилактикаси бўйича махсус препаратлар билан бепул таъминлаш. 3. Мазкур махсус препаратларнинг яроқлилик муддати ва сифат сертификатларини уларни қабул қилувчи болалар ота-оналарига ҳавола этиб бориш.	Доимий	Давлат бюджетидан ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлар доирасида	-
41.	Кохлеар имплантация операцияси ўтказган	125 нафар болаларда нутқ процессорларини алмаштириш.	2024 йил декабрь	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг	-

	болаларда процессорларини алмаштириш.	нутк			ривожлантириш дастурларига ажратилган маблағлар, Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари	
42.	Бошқарилувчи юқумли касалликлар бўйича эпидемиологик барқарорликни таъминлаш мақсадида профилактик эмлаш тадбирларини изчил амалга ошириш.	12 млн нафар болани 13 турдаги вакциналар билан бошқарилувчи юқумли касалликларга қарши эмлаш.	2024 йил якунига қадар	Давлат бюджетидан ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлар	-	
17-мақсад: Онкологик касалликларни эрта аниқлаш ва ўлим кўрсаткичини камайтириш						
<i>Ижро учун асосий масъул — Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров)</i>						
43.	Хавф гуруҳига мансуб бўлган аҳолини онкологик касалликлар бўйича скрининг текширувларидан ўтказиш, хавфли ўсма касалликларидан 1 йилгача ўлим кўрсаткичини 13,8 фоиздан юқори бўлмаслигига эришиш.	1. 35 — 55 ёшдаги аёлларни ҳар 3 йилда 1 марта бачадон бўйни саратонига ҳамда 45 — 65 ёшдаги аёлларни 2 йилда 1 марта кўкрак беги саратонини эрта аниқлаш бўйича 3 млн нафар аҳолини скринингдан ўтказиш ҳамда оммавий онкоскрининг текширувини жорий этиш. 2. Онкологик касалликларни эрта босқичларда аниқлаш мақсадида бирламчи тизим шифокорларни «Онкооғоҳлик» бўйича билим ва амалий кўникмаларини ошириш.	2024 йил декабрь	Давлат бюджетидан ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлар	-	

		3. Хавфли ўсма касаллиги аниқланган беморларни даволаш самарадорлигини ошириш.			
44.	Мақсадли гуруҳдаги аёлларни бачадон бўйни саратони ва кўкрак беzi саратони скрининг дастурлари билан қамров даражасини ошириш.	<p>1. Скрининг регистр ва канцер регистрларни амалиётга татбиқ этиш.</p> <p>2. Бачадон бўйни саратони скрининги ва кўкрак беzi саратони скрининги клиник стандартини тасдиқлаш.</p> <p>3. Кўкрак беzi саратонини эрта аниқлаш тизимини жорий қилиш.</p> <p>Бунда:</p> <p>туман тиббиёт бирлашмаларини 14 та маммограф ускунаси билан жиҳозлаш ва уларни республика ягона ридинг тизимига интеграция қилиш;</p> <p>мобил ва стационар маммографлар 2 та сменада ишини ташкил этиш учун 4 та врач радиолог ва 175 та рентген-лаборантлар учун штат бирликлар ажратиш чораларини кўриш.</p> <p>4. Йирик шаҳарларда саратон билан касалланган аёллар учун ўзаро ёрдам гуруҳларини ташкил этиш. Саратон билан касалланган аёллар учун ижтимоий ходимлар томонидан кейс менежмент ва онкопсихологлар хизмати лойиҳаларини тажриба синовини вилоят онкологик марказлари (Тошкент) базасида ўтказиш.</p> <p>5. Хусусий клиникалар томонидан маммография текшируви бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳисобот беришни йўлга қўйиш.</p>	2024 йил давомида	Ҳисоб-китобларга кўра, Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	Стратегик ислоҳотлар агентлиги Б. Раҳматов, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги С. Абдуллаев, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги О. Фозилкаримов, Рақамли технологиялар вазирлиги Ш. Шерматов

18-мақсад: Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш*Ижро учун асосий масъул — Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров)*

45.	Профилактик кўрик ва скрининг текширувлари натижасида аниқланган касалликлар бўйича соғломлаштириш чораларини кўриш, юқумли бўлмаган касалликларни эрта аниқлаш даражасини 55 фоизга етказиш.	1. 6,7 млн. нафар 40 ва ундан катта ёшдаги аҳоли орасида энг кўп учрайдиган юрак қон-томир, қандли диабет, ўпканинг сурункали обструктив касалликлари хавфини аниқлаш мақсадида профилактик кўрикларни ўтказиш. 2. Касаллик аниқланган фуқароларни индивидуал соғломлаштириш чораларини кўриш.	Тармоқ режаси асосида	-	-
-----	---	---	-----------------------	---	---

19-мақсад: Соғлом ва фаол кексаликни таъминлаш*Ижро учун асосий масъул — Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (К.Куранбаев)*

46.	Катта ёшдаги аҳоли орасида тўғри овқатланиш, жисмоний фаоллик ва юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси бўйича индивидуал ва оммавий тарғибот тадбирларини ўтказиш.	1. Кекса ёшдаги аҳолининг кун тартибини тўғри ташкиллаштириш, жисмоний фаоллиги ва касалликлар профилактикаси бўйича тарғибот материалларини тарқатиш ва оммавий ахборот воситаларида ёритиш. 2. Катта ёшдаги аҳоли орасида скандинавча юриш ва уларга мос бошқа спорт турларини жорий қилиш, «Кексалик гашти» шиори остида енгил спорт мусобақаларини ўтказиб бориш.	2024 йил февраль-март 2024 йил апрель-ноябрь	«Нуроний» жамғармаси маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги А. Худаяров, Спорт вазирлиги А. Икромов
-----	---	--	---	---------------------------------	--

20-мақсад: Аҳоли орасида тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш*Ижро учун асосий масъул — Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров)*

47.	Аҳоли орасида тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш орқали ортиқча вазнга эга ва семизлиги мавжуд аҳоли улушини камайтириб	1. Аҳолига ўз соғлиғи ва овқатланишини назорат қилиш ва тўғри овқатланиш бўйича мобил илова яратиш. 2. Ҳар бир хавф гуруҳи ва касаллик турлари учун парҳез овқатланиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш.	2024 йил декабрь 2024 йил июль	Давлат бюджетидан ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлар доирасида	Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси Б. Юсупалиев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
-----	---	--	---------------------------------------	--	---

	бориш, шунингдек, анемия ва ичак инфекциялари билан касалланиш даражасини камайтириш.	3. Ёши, тана тузилиши, турмуш тарзи ва касалликларга мойиллигидан келиб чиқиб, катталар ва кексалар учун тўғри овқатланиш, соғломлаштириш машқлари ва гигиена қоидалари тўпламини яратиш.	2024 йил декабрь		
48.	Халқаро аккредитациядан ўтган озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича таҳлиллар ўтказадиган лабораториялар сонини 20 тага етказиш.	1. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси таркибига кирувчи муассасалардаги озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича 9 та лабораторияни халқаро аккредитациядан ўтказишга тайёрлаш. 2. Аккредитация талабларига жавоб берадиган лабораториялар томонидан ариза берилишини ва аккредитациядан ўтишини таъминлаш.	2024 йил февраль — июнь 2024 йил июль — декабрь	-	Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси Б. Юсупалиев
21-мақсад: Тиббиёт соҳасида рақамли технологияларни кенг жорий қилиш					
<i>Ижро учун асосий масъул — Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров)</i>					
49.	Ягона электрон тиббиёт тармоғини шакллантиришни давом эттириш, рақамли технологиялар жорий этилган тиббиёт муассасалари улушини 70 фоизга етказиш.	1. Тизимда мавжуд тармоқларни хатловдан ўтказиш. 2. Хатлов маълумотлари асосида тизимнинг ягона тармоқ инфратузилмасини яратиш бўйича лойиҳа ҳужжатларни ишлаб чиқиш. 3. Лойиҳа ҳужжатларни ўрнатилган тартибда ваколатли органлардан экспертизадан ўтказиш. 4. Лойиҳа харажат манбаларини аниқлаш, 3 600 дан ортиқ техник қурилма ва лицензиялар харид қилиш. 5. Қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишни бошлаш.	2024 йил март 2024 йил апрель 2024 йил июнь 2024 йил июль 2024 йил октябрь	Давлат бюджетидан ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлар, грант ва кредит маблағлар	Рақамли технологиялар вазирлиги Ш. Шерматов

		6. Худудлар даражасидаги шифохоналарни электрон йўлланма тизимига улаш ҳамда бу тизимда хусусий шифохоналар иштирокини кенгайтириш бўйича чоралар кўриш.	2024 йил июнь	Давлат бюджетидан ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлар	-
22-мақсад: Профессional ижтимоий хизматларни кўрсатиш тизimini тубдан такомиллаштириш					
<i>Ижро учун асосий масъул — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (М. Оллоёров)</i>					
50.	Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизimini такомиллаштириш.	1. Ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясига парваришлаш иқтисодиёти бўйича устувор мақсад киритиш. 2. Парваришлаш иқтисодиётининг альтернатив моделлар концепциясини ишлаб чиқиш.	2024 йил октябрь	-	Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норқулов
51.	Ёлғиз яшаётган ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга нодавлат ташкилотлар орқали ижтимоий хизматларни (кундузги катнов, транспорт хизмати, уйда кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар, бошпана (шелтер) ва бошқа) кўрсатиш.	Ёлғиз яшаётган ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга Тошкент шаҳрида эксперимент тарикасида нодавлат ташкилотлар орқали ижтимоий хизматларни кўрсатиш лойиҳасини амалга ошириш.	2024 йил ноябрь	-	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ш. Умурзаков, Транспорт вазирлиги И. Махкамов
52.	Ижтимоий ҳимоя қилиш тизими орқали ҳар бир маҳалладаги ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини тўлиқ қамраб олиш.	1. Ҳар бир маҳалладаги ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини тўлиқ қамраб олиш мақсадида, синов тарикасида «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари ва профессионал ижтимоий ходимлар фаолияти йўлга қўйилаётган 180 та туман (шаҳарлар)да оила сони, ижтимоий ҳимояга муҳтож	2024 йил июнь	-	Рақамли технологиялар вазирлиги Ш. Шерматов, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Б. Мусаев

		аҳоли гуруҳларига асосан ижтимоий ходимларни «худуд — участка — маҳалла» тамойили асосида бириктирилишини таъминлаш. 2. Оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган оилаларга комплекс ижтимоий ёрдамларни кўрсатишни кейс-менежмент тизими орқали босқичма-босқич йўлга қўйиш.			
53.	Ижтимоий ҳимоя тизими ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш орқали инсон капиталини ривожлантириш ҳамда профессионал ижтимоий хизматларни ташкил этиш.	1. Ижтимоий ҳимоя тизими ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича онлайн таълим платформасини ишга тушириш. 2. Ёлғиз яшайдиган ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни парвариш қилиш бўйича ижтимоий ҳимоя тизими ходимлари учун ўқитишни ташкил этиш.	2024 йил июнь	-	Рақамли технологиялар вазирлиги Ш. Шерматов, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Б. Мусаев
23-мақсад: Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизимни яратиш ҳамда улар учун қулай ва мақбул муҳитни яратиш					
<i>Ижро учун асосий масъул — Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги (М. Каримов)</i>					
54.	Кўзи ожиз шахсларга хорижий тилларни ўрганишда қулай ва мақбул муҳитни яратиш.	1. Чет тилини билиш даражасини аниқлаш тест синовлари бўйича кўзи ожиз (I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек, ногиронлиги бўлган болалар) шахслар учун алоҳида формат ишлаб чиқиш. 2. Кўзи ожиз шахслар учун ишлаб чиқилган формат асосида тест топшириқларини шакллантириш ва апробациядан ўтказиш. 3. Кўзи ожиз шахслар учун ишлаб чиқилган формат асосида чет тилини	2024 йил май 2024 йил ноябрь 2024 йил декабрь	-	-

		билиш даражасини аниқлаш тест синовларини амалиётга жорий этиш.			
<i>Ижро учун асосий масъул — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (М. Оллоёров)</i>					
55.	Ногиронлиги бўлган шахсларни сифатли ва замонавий протез-ортопедия буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш.	<p>1. «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимида протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларига муҳтож шахслар, уларнинг мазкур воситаларга бўлган эҳтиёжлари тўғрисидаги маълумотлар реестрини юритиш.</p> <p>2. Ногиронлиги бўлган шахсларга давлат томонидан кафолатланган сифатли, замонавий протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларининг рўйхатини қайта кўриб чиқиш.</p> <p>3. Ногиронлиги бўлган шахсларга сифатли ва замонавий протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини эркин харид қилиш имкониятини берувчи электрон ваучер тизимини жорий қилиш.</p>	<p>2024 йил июнь</p> <p>2024 йил апрель</p> <p>2024 йил август</p>	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги А. Худаяров, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги О. Фозилкаримов, Рақамли технологиялар вазирлиги Ш. Шерматов
56.	Ижтимоий хизмат ва ёрдамларни кўрсатувчи реабилитация марказлари фаолиятини такомиллаштириш.	<p>1. Аҳолининг яшаш жойига яқин ҳудудларда муқобил шаклдаги кўп функцияли ва кенг қамровли реабилитация маркази фаолияти концепциясини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Давлат-хусусий шериклик асосида ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш концепциясини ишлаб чиқиш.</p>	2024 йил ноябрь	-	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги О. Фозилкаримов
<i>Ижро учун асосий масъул — Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Мусаев)</i>					

57.	Ногиронлиги бўлган шахсларга муносиб иш ўринлари яратиш орқали улар бандлигини таъминлашни 2 баробарга ошириш.	Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат бозорида иштирокини таҳлил қилиш асосида уларнинг бандлигини таъминлашга нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилиш учун ижтимоий буюртма лойиҳаларини амалга ошириш.	2024 йил сентябрь	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги маблағлари ва халқаро молия институтлари маблағлари	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги М. Оллоёров, Соғлиқни сақлаш вазирлиги А. Худаяров, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги К. Шарипов
<i>Ижро учун асосий масъул — Маданият вазирлиги (О. Назарбеков)</i>					
58.	Жамиятда ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан илиқ ижтимоий муҳитни шакллантириш.	1. Ижтимоий медиа-стратегияни ишлаб чиқиш. 2. Телевидение, радио, фильмлар ва кўнгилочар дастурларга ногиронлиги бўлган шахсларни кенг жалб қилиш. 3. Ногиронлиги бўлган иқтидорли шахслар тимсолида медиа маҳсулотлар тайёрлаш ҳамда ОАВ ва Интернет тармоғида кенг қўламда ёритиш.	2024 йил май доимий 2024 йил август	Ҳисоб-китобларга асосан республика бюджетидан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига ажратилган маблағлар ва маҳаллий бюджет маблағлари	Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги А. Ходжаев, Миллий телерадиокомпания А. Джурабаев, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги М. Оллоёров, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Х. Умарова, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги К. Шарипов
<i>Ижро учун асосий масъул — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (Х. Кутпиддинов)</i>					
59.	Ногиронлиги бўлган шахсларнинг давлат органлари ва ташкилотларига мурожаат қилиш ҳуқуқлари кафолатини кучайтириш.	1. Давлат органлари ва ташкилотларига ногиронлиги бўлган шахсларнинг мурожаатлар билан кириши учун шарт-шароитларни яратиш. 2. Эшитиши ва нутқи бўйича ногиронлиги бўлган шахсларнинг сурдотаржимон хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш.	2024 йил давомида	Ҳисоб-китобларга асосан давлат органлари ва ташкилотларининг маблағлари	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Б. Закиров, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

24-мақсад: Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш

Ижро учун асосий масъул — Адлия вазирлиги (А. Ташқулов)

60.	Халқаро ҳужжатлар ва хорижий мамлакатлар амалиётини комплекс таҳлил қилиш асосида болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ўтказишнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий механизмларни кучайтириш.	Болаларни тазйиқ ва зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилишда давлат органларининг ваколатларини аниқ белгилаш, болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, уларни аниқлаш, тазйиқларга чек қўйиш механизмини такомиллаштириш, тазйиқ ва зўравонликка учраган болаларга комплекс ёрдам кўрсатишни йўлга қўйиш бўйича халқаро ҳужжатлар ва хорижий мамлакатлар амалиётини комплекс таҳлил қилиш, натижаси бўйича асослантирилган таклифлар тайёрлаш.	2024 йил октябрь	-	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги М. Оллоёров, Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили С. Раҳмонова (келишув асосида), Ички ишлар вазирлиги П. Бобожонов
-----	--	--	------------------	---	---

Ижро учун асосий масъул — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (М. Оллоёров)

61.	Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш.	1. Халқаро тажриба асосида ихтисослаштирилган ўқув-тарбия мактаблар, мактаб-интернатлар, кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни тайёрлаш. 2. Ногиронлиги бўлган болаларни парваришлаш бўйича ота-оналарни ўқитиш дастурларини ишлаб чиқиш.	2024 йил август	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги А. Худаяров, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Х. Умарова, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги К. Шарипов
62.	Фарзанд асраб олишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш.	1. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ва етим болаларни оилага тарбияга беришда номзод тутинган ота-оналарни тайёрлаш, уларнинг ота-	2024 йил июль	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги А. Худаяров, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги

		<p>оналик кўникмаларини ошириш, оила — фостер институтини жорий этиш.</p> <p>2. Васийлик ва ҳомийлик органларини тамомлаган ва балоғатга етган шахсларни ижтимоий интеграция қилиш тизимини такомиллаштириш.</p> <p>3. Васийлик ва ҳомийлик тизимини такомиллаштириш, оилага асосланган болаларни парвариш қилишнинг муқобил шакллари ривожлантириш.</p> <p>4. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни даволаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.</p>			<p>Х. Умарова, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Б. Мусаев, Миллий гвардия Р. Джурев</p>
79.	Ўрта ва йирик шаҳарлар ҳамда аҳолиси 300 мингдан кўп бўлган туманларда замонавий хизматларни ривожлантириш.	Хизмат кўрсатиш соҳасида 10 мингта савдо сервис объектини ташкил этиш чораларини кўриш. Бунда: амалга ошириладиган лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини шакллантириш; зарур ер ва бино-иншоотларни аукцион савдоларга чиқариб бориш.	2024 йил декабрь	-	Давлат активларини бошқариш агентлиги А. Ортиқов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
-----	---	---	------------------	---	--

Ижро учун асосий масъул — Давлат активларини бошқариш агентлиги (А. Ортиқов)

80.	Аҳоли гавжум бўлган кўчаларда савдо, маиший, сайилгоҳ ва кўнгилочар хизматларини ривожлантириш учун бўш ер майдонларини аукцион савдоларига чиқариш.	Янги хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш учун 2024 йилда 2,2 мингта ер (лот) майдонларни аукцион савдоларга чиқариш. Бунда: инфратузилмаси мавжуд ва аҳоли гавжум худудларда бўш ер майдонларини аниқлаш; аниқланган ер майдонларини белгиланган тартибда аукционга чиқариш; аукционга чиқарилган ер майдонларини улар тўғрисида ҳоким ёрдамчилари томонидан, шунингдек, оммавий	2024 йил декабрь	-	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Б. Закиров, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норқулов, Кадастр агентлиги Ф. Пулатов, Давлат активларини бошқариш агентлиги А. Ортиқов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
-----	--	---	------------------	---	--

		ахборот воситаларида тарғибот ишларини жадаллаштириш орқали сотиш.			
60-мақсад: Худудларни комплекс ривожлантириш, урбанизация стратегиясини амалга ошириш, аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш даражасини ошириш					
<i>Ижро учун асосий масъул — Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Б. Закиров)</i>					
81.	Аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва урбанизация жараёнларини жадаллаштириш.	1. Республикадаги 5 та шаҳарнинг бош режаси лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Республикадаги 48 та шаҳарчанинг бош режаси лойиҳаларини ишлаб чиқиш. 3. Қишлоқ (овуллар)да жойлашган 116 та аҳоли пунктини шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш схемаларини ишлаб чиқишни йўлга қўйиш. 4. 146 та аҳоли пунктининг шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш жараёнларини яқунлаш.	2024 йил декабрь	Маҳаллий бюджет маблағлари	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норқулов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
82.	Ривожланган давлатларнинг бино-иншоотлар бўйича қурилиш хавфсизлиги меъёрлари асосида янги стандартларни жорий қилиш.	Қурилиш-монтаж ишларини техник жиҳатдан баҳолаш, текшириш ва қабул қилиш тизимига хусусий секторни кенг жалб қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш.	2024 йил сентябрь	Ижрочилар маблағлари	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норқулов
83.	Эксплуатация муддатини ўтаб бўлган	1. 2024 йил учун кўп квартирали уй-жойларни	2024 йил март	-	

	хамда сейсмик заифлиги ва авария аломатлари аниқланган кўп квартирали уй-жойларни реновация қилиш чораларини кўриш	реновация қилиш бўйича қонуний асосларни яратиш. 2. 2024 йил учун кўп квартирали уй-жойларни реновация қилиш бўйича манзилли рўйхатни шакллантириш ҳамда тасдиқлаш.	2024 йил март	маҳаллий бюджет маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари
84.	«Янги Ўзбекистон» массивлари сонини 45 тага ва уй-жой қурилиши ҳажмини 80 мингтага етказиш.	1. 2024 йил учун уй-жой қурилиши ва ипотека дастурини ишлаб чиқишда янгидан барпо этиладиган «Янги Ўзбекистон» ва бошқа массивларни шаҳарлар ҳамда уларга туташ ҳудудларда жойлаштириш. 2. «Янги Ўзбекистон» массивлари ва уй-жойга талаб юқори бўлган ҳудудларда 80 минг хонадонли кўп қаватли уй-жойлар қурилишини амалга ошириш.	2024 йил март 2024 йил декабрь	Вазирлик ва идораларнинг маблағлари, тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норқулов
85.	Аҳолига қулайлик яратиш ҳамда кўрсатиётган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини таъминлаш мақсадида кўп қаватли турар жой хонадонларининг табиий газ, электр энергияси ва	1. Ягона тўлов тизимининг ишлашини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Ягона тўлов тизимини ишга тушириш ҳамда мониторинг қилиш имкониятини яратиш.	2024 йил август 2024 йил сентябрь	Вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Энергетика вазирлиги Ж. Мирзамахмудов, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги А. Абдуҳақимов, «Ўзсувтаъминот» АЖ Д. Азимов, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норқулов,

	<p>иссиқлик таъминоти, ичимлик ва оқова сув ҳамда чиқиндиларни олиб чиқиш хизматлари каби коммунал тўловларини бирлаштирувчи ягона тўлов тизимини жорий этиш.</p>	<p>3. Ягона тўлов тизимини тажриба-синов тариқасида Навоий шаҳрида жорий этиш.</p> <p>4. Кўп қаватли уй-жойларда коммунал хизматлар самарадорлигини истиқомат қилувчилар томонидан комплекс баҳолаш амалиётини йўлга қўйиш.</p>	<p>2024 йил октябрь</p> <p>2024 йил июлдан бошлаб</p>		<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
86.	<p>Ноқонуний ва сифатсиз қурилишларни ҳамда бино ва иншоотларда сейсмик, санитар ва хавфсизлик муаммоларини бартараф этиш мақсадида, қонунбузарликларга қарши таъсирчан чоратадбирларни кучайтириш бўйича қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш.</p>	<p>1. Таъсирчан чоратадбирларни кучайтириш бўйича Сингапур тажрибасини ўрганиб чиқиш юзасидан ишчи гуруҳни ташкил этиш.</p> <p>2. Ноқонуний ҳамда сифатсиз қурилишлар билан қурашиш бўйича Сингапур тажрибасини жойига чиққан ҳолда ўрганиш ва таклифларни шакллантириш.</p> <p>3. Сингапур тажрибаси асосида таъсирчан чораларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>	<p>2024 йил март</p> <p>2024 йил май</p> <p>2024 йил сентябрь</p>	<p>Вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари</p>	<p>Адлия вазирлиги А. Ташкулов, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси А. Каюмов, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норқулов</p>
87.	<p>Кўп квартирали уйлар ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш киритиш асосида қуришни</p>	<p>Кўп квартирали уйлар ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш киритиш асосида қуришни</p>	<p>2024 йил сентябрь</p>	<p>Вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари</p>	<p>Адлия вазирлиги А. Ташкулов, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норқулов</p>

	тартибга солувчи қонунчилик асосларини шакллантириш.	тартибга солувчи қонуний асосларни шакллантириш, объектларни улуш киритиш асосида қуришда ягона мажбурий талабларни белгилаш. Бунда: фуқаролардан уй-жой қурилиши учун тўғридан-тўғри пул маблағларини жалб этишни тақиқлаш, фақатгина Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган қурилиш ташкилотларига тижорат банклари орқали улуш асосида пул маблағларини жалб этишга рухсат этиш; ваколатли органнинг кафолатига эга бўлмаган тадбиркорлар томонидан улуш киритиш асосида пул маблағларини жалб этиш, уй-жой қурилишини турли кўринишда реклама қилишни тақиқлашни назарда тутиш.			
88.	Қурилиш объектларига архитектура режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқишни мажбурий этиб	1. Архитектура режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш талаб этиладиган янги қурилишлар	2024 йил сентябрь	Вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Адлия вазирлиги А. Ташкулов, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси

	белгилаш тартибини йўлга қўйиш.	параметрларини шакллантириш. 2. Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришларни киритиш чораларини кўриш.	2024 йил октябрь		А. Каюмов, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норқулов
<i>Ижро учун асосий масъул — Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Б. Ходжаев)</i>					
89.	«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБни хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш.	Инвестицион маслаҳатчи билан биргаликда: инвесторлар томонидан ўтказиладиган ўрганишлар учун тайёргарлик кўриш; давлат улушига тегишли акцияларни сотиб олиши мумкин бўлган салоҳиятли инвесторлар рўйхатини шакллантириш; инвесторлар билан акцияларни сотиб олиш шартлари бўйича музокаралар ўтказиш; музокараларда халқаро ҳуқуқшунослар кўмагида ҳукумат ва банк манфаатларини ҳимоя қилиш.	2024 йил давомида	-	«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ А. Акбаржанов
90.	«Асакабанк» АЖни хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш	1. Банкни хусусийлаштиришга тайёрлаш учун халқаро молия институтини жалб қилиш юзасидан принципиал келишувга эришиш.	2024 йил давомида	-	«Асакабанк» АЖ К. Тўляганов

		2. Банкни хусусийлаштириш учун Халқаро инвестиция банкини жалб қилиш бўйича таклиф киритиш.			
<i>Ижро учун асосий масъул — Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (А. Хайдаров)</i>					
91.	Аҳолига уй-жой учун субсидия ажратиш тартибини такомиллаштириш.	Республика бўйлаб истаган ҳудуддаги уй-жойларни сотиб олишда қўп қаватли уй-жой олиш учун ажратилган субсидиялардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан асослантилган таклифларни ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2024 йил июнь	-	-
<i>Ижро учун асосий масъул — Адлия вазирлиги (А. Ташқулов)</i>					
92.	Уй-жой олди-сотдиси билан боғлиқ жараёнларнинг шаффофлиги ва хавфсизлигини таъминлаш.	1. Фуқароларнинг фирибгарлик жинояти жабрланувчисига айланиб қолмаслиги учун уларни ишончли ахборот билан таъминлаш тизимини жорий қилиш. 2. Барча уй-жой қурилиш объектлари ва уларнинг қурувчиси тўғрисидаги расмий маълумотларни жамловчи ахборот платформасини яратиш ва унинг очиклигини таъминлаш.	2024 йил сентябрь	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик вазирлиги маблағлари	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Б. Закиров, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норқулов, Марказий банк М. Нурмуратов, тижорат банклари

		3. Лотнинг фақат бир марта сотилишини таъминлаш мақсадида инвестиция шартномаларини электрон шаклда рўйхатдан ўтказиш тартибини такомиллаштириш.			
61-мақсад: Инфратузилма лойиҳаларини барқарор ва узоқ муддатли молиялаштириш манбалари билан таъминлаш					
<i>Ижро учун асосий масъул — Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов)</i>					
93.	Ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш.	1016 та ижтимоий соҳа объекти, шу жумладан, 618 та умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаб, 176 та мактабгача таълим ташкилоти, 147 та соғлиқни сақлаш муассасаси, 42 та спорт объекти, 20 та олий таълим муассасаси, 5 та илм-фан ва инновация ҳамда 8 та маданият объектида 7,9 трлн сўмлик қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш. Хусусан: умумтаълим мактабларида 175 мингдан ортиқ янги ўқув ўрнини ташкил этиш, 100 мингдан ортиқ ўқув ўрнини мукаммал таъмирлаш; ихтисослаштирилган мактабларда 3,5 мингдан	2024 йил август — декабрь	Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида республика бюджети маблағлари	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Б. Закиров, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Х. Умарова, Соғлиқни сақлаш вазирлиги А. Худаяров, Маданият вазирлиги О. Назарбеков, Спорт вазирлиги А. Икрамов

		<p>ортиқ янги ўқув ўрнини ташкил этиш; мактабгача таълим ташкилотларида 5,5 мингдан ортиқ янги ўрнини ташкил этиш, 17 мингдан ортиқ ўринни реконструкция қилиш, 1,3 мингдан ортиқ ўринни мукаммал таъмирлаш; соғлиқни сақлаш муассасаларида 1,6 мингдан ортиқ қатновли ва 1 338 ўринли янги қувватларни ишга тушириш, 6,2 минг қатновли ва 1 900 дан ортиқ ўринли объектларни реконструкция қилиш, 595 қатновли муассасаларни мукаммал таъмирлаш.</p>			
<i>Ижро учун асосий масъул — Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Б. Закиров)</i>					
94.	<p>Республика аҳолисининг ичимлик сув таъминоти даражасини ошириш.</p>	<p>1. Бюджетдан ажратиладиган 1,3 трлн сўм маблағлар ҳисобидан 79 та лойиҳа доирасида 200 дан ортиқ маҳаллада 1,1 минг км тармоқ ва 64 та иншоот қуриш.</p> <p>2. 2024 йилда 50 та ичимлик сув оғир бўлган маҳаллани ижтимоий буюртмалар асосида ичимлик сув билан таъминлаш.</p>	2024 йил декабрь	<p>Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида республика бюджети маблағлари, халқаро молия институтлари маблағлари</p>	<p>«Ўзсувтаъминот» АЖ Д. Азимов, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норқулов, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Л. Кудратов «Навобий КМК» АЖ К. Санакулов Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>

		3. Аҳолининг марказлашган ичимлик сув билан таъминланганлик даражасини 81 фоизга етказиш, 1,3 млн нафар аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш, 3 млн нафар аҳолининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш.		«Навоий КМК» АЖ маблағи, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари	
95.	Сув таъминоти корхоналари лабораторияларини ичимлик сув сифатини доимий мониторинг қилиш учун замонавий лаборатория жиҳозлари ва реактивлар билан жиҳозлаш.	Наманган, Тошкент, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги 5 та лабораторияни жиҳозлар билан таъминлаш ҳамда мобил лаборатория харид қилиш.	2024 йил декабрь	«Ўзсувтаъминот» АЖ маблағлари, халқаро молия институтлари маблағлари	«Ўзсувтаъминот» АЖ Д. Азимов, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Л. Кудратов
96.	Барча ичимлик сув истеъмолчиларига ҳисоблагичлар ўрнатишни таъминлаш.	2024 йил якунига қадар 212,2 мингта истеъмолчига сув ҳисоблагичлари ўрнатилишини таъминлаш.	2024 йил декабрь	«Ўзсувтаъминот» АЖ маблағлари, халқаро молия институтлари маблағлари	«Ўзсувтаъминот» АЖ Д. Азимов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва шаҳар ҳокимликлари
97.	Ичимлик сув таъминоти объектларида энергиятежамкор технологияларни жорий қилиш.	1. 426 та насос ускунасини замонавий, энергия тежамкор насос ускуналарига алмаштириш. 2. Соҳада сув сарфи ҳисобини тартибга солиш, йўқотишлар даражасини камайтириш, мавжуд тармоқларнинг рақамли харитаси (GIS) ва активларни бошқариш	2024 йил декабрь	Осиё тараққиёт банкнинг қарз маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Ўзсувтаъминот» АЖ Д. Азимов, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Л. Кудратов, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норқулов

		(Asset Management) тизимини жорий этиш. 3. Соҳада «яшил иктисодиёт» кўламини кенгайтириш бўйича лойиҳани амалга ошириш мақсадида 100 млн доллар миқдордаги қарз маблағларини жалб қилиш чораларини кўриш.			
98.	Аҳолини давлат-хусусий шериклик асосида тоза ичимлик сув билан таъминлаш.	Давлат-хусусий шериклик механизми асосида сифатли ичимлик сув таъминотини амалга ошириш бўйича 2024-2025 йилларга мўлжалланган амалий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. Худудлар аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш борасида марказлашмаган хизмат кўрсатишнинг янги моделини шакллантириш.	2024 йил давомида	Жаҳон банки ва бошқа халқаро молиявий ташкилотлар грантлари, давлат жамғармалари ва хусусий фондлар	«Ўзсувтаъминот» АЖ Д. Азимов

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги ПФ-37-сон Фармониغا
3-ИЛОВА

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг Сув ресурсларини тежаш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш йўналиши бўйича 2024 йилга
мўлжалланган

АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

Олдинги тахрирга қаранг.

Т/р.	Вазифа	Амалий чора-тадбир	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
------	--------	--------------------	--------------	-------------------------	------------------

III. СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ТЕЖАШ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

62-мақсад: Республикада сувдан оқилона фойдаланиш маданиятини ва сув ишлатиш самарадорлигини ошириш

Ижро учун асосий масъул — «Ўзсувтаъминот» АЖ (Д. Азимов)

1.	Сурхондарё вилоятининг оқова сув таъминотини яхшилаш.	<p>1. Саудия тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан Сариосиё, Денов ва Жарқўрғон туманларида оқова сув тизимларини қуриш.</p> <p>2. Германиянинг «КФВ» банкдан жалб қилинган 37,8 миллион доллар сармоя ҳисобига Термиз шаҳрида оқова сув тизимини таъмирлаш.</p>	2024 йил февраль — декабрь	Жалб этилган маблағлар ҳамда ижрочиларнинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари	<p>Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги</p> <p>Б. Закиров,</p> <p>Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги</p> <p>Л. Кудратов,</p> <p>Сурхондарё вилояти ҳокимлиги</p> <p>У. Қосимов</p>
<i>Ижро учун асосий масъул — Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Б. Закиров)</i>					
2.	Ободонлаштириш мақсадида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.	<p>1. Ободонлаштириш мақсадида фойдаланиладиган барча сув ўтказгичларга алоҳида ҳисоблагичлар ўрнатиш.</p> <p>2. Тармоқ учун масъул шахсларнинг жавобгарлигини ошириш ва белгиланган миқдордан ортиқ сарфланган сув учун чоралар кўриш механизмларини яратиш.</p> <p>3. Ободонлаштириш тармоқларини белгиланган тартибда техник қайта ишланган сув билан таъминлаш мақсадида қўшимча сув линияларини ётқизиш, саноат корхоналарида оқова сувларни локал тозалаш иншоотлари билан таъминлаш чораларини кўриш.</p>	2024 йил август	Жалб этилган маблағлар, маҳаллий бюджет маблағлари ҳамда ижрочиларнинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари	<p>Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги</p> <p>Л. Кудратов,</p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари</p>
<i>Ижро учун асосий масъул — Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Хамраев)</i>					
3.	Сув хўжалиги соҳасида рақамли технологияларни жорий этиш.	Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли ҳисобини юритишда «Smart Water» («Ақли сув») ҳамда шу каби	2024 йил давомида	Ҳисоб-китобларга кўра ижрочилар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар

		рақамли технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.		маблағлари ҳисобидан	Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари
<i>Ижро учун асосий масъул — Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев)</i>					
4.	Сувнинг кадр-киммати ҳақида кенг кўламли ахборот кампаниясини ўтказиш.	Йиғилган тўловлар ҳудуднинг сув инфратузилмасини ривожлантириш ва ҳудудлар фаровонлигини оширишга сарфланиши ҳақида тушунча берувчи кампания ўтказиш. Бунда, сув истеъмолчиларининг ресурсга бўлган муносабатини ўзгартириш учун сув тақчиллиги ортиб бораётгани ҳақидаги прогнозларни оммалаштириш.	2024 йил март	Ижрочилар маблағлари	Сув хўжалиги вазирлиги Ш. Хамраев
<i>Ижро учун асосий масъул — «Ўзэлтехсаноат» (М. Юнусов)</i>					
5.	Ичимлик сувдан оқилона фойдаланиш самарадорлигини ошириш.	Хўжалик идиш ювиш машиналарини кенг жорий қилиш доирасида импорт божлари ва бошқа тўловларни қайта кўриб чиқиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш.	2024 йил май	-	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норқулов, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Ш. Хидоятлов
63-мақсад: Қишлоқ хўжалиги соҳасида сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш					
<i>Ижро учун асосий масъул — Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Хамраев)</i>					
6.	Бетон қопламали магистрал ва хўжаликлараро каналларнинг улушини ошириш.	Каналларни реконструкция қилиш доирасида камида 1,5 минг километр йирик каналларни бетонлаштириш ишларини яқунлаш.	2024 йил декабрь	Давлат бюджетидан 500 млрд сўм ажратилган маблағлар доирасида	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норқулов, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Б. Закиров, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар

					Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари
<i>Ижро учун асосий масъул — Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Хамраев)</i>					
7.	Қишлоқлар ҳудудидан ўтадиган ариқлар ва ички сув объектлари ҳисобини юритиш.	Қишлоқлар ҳудудидан ўтадиган ариқлар ва ички сув объектлари жойлашган ерларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва кадастр паспортларини тақдим қилиш амалиётини йўлга қўйиш.	2024 йил октябрь	-	Кадастр агентлиги Ф. Пўлатов
64-мақсад: Ирригация тизими ва сув тежовчи технологияларни ривожлантириш, соҳа бошқарувига хусусий сектор ва давлат-хусусий шериклик механизмларини кенг жорий этиш					
<i>Ижро учун асосий масъул — Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Хамраев)</i>					
8.	Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.	Сувни тежайдиган суғориш технологияларидан самарали фойдаланиш бўйича «Сувчилар мактаби»нинг 2-босқичини ташкил қилиш.	2024 йил февралдан бошлаб	Ҳисоб-китобларга кўра ижрочилар маблағлари ҳисобидан	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги И. Абдурахмонов, Энергетика вазирлиги Ж. Мирзамахмудов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари
65-мақсад: «Яшил энергия» технологияларини кенг жорий қилиш доирасида насос станцияларининг электр энергияси истеъмолини камайтириш					
<i>Ижро учун асосий масъул — Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамахмудов)</i>					
9.	«Яшил энергия» технологияларини кенг жорий қилиш орқали суғориш тармоқларидан сув етказиб беришда электр энергияси истеъмолини камайтириш.	1. Электр энергияси ва бошқа ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий қилиш. 2. Насос станцияларида электр энергия ресурсларини тежаш мақсадида муқобил энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш. 3. Насос станцияларидаги эскирган 148 та насосларни энергия тежамкорларига алмаштириш.	2024 йил давомида	Ижрочиларнинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари	Сув хўжалиги вазирлиги Ш. Хамраев

66-мақсад: Республикада экологик вазиятни тубдан яхшилаш, инсон ҳаётига таъсир ўтказувчи экологик муаммоларни бартараф этиш

Ижро учун асосий масъул — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимликлари

10.	14 та ҳудудда қаровсиз ҳайвонларни сақлашга мўлжалланган питомникларни ташкил этиш.	<p>1. Қаровсиз ҳайвонларни сақлаш ва парваришlash бўйича питомниклар (приют) лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Республиканинг 14 та ҳудудида қаровсиз ҳайвонларни сақлашга мўлжалланган питомникларни ташкил этиш учун белгиланган тартибда ер майдонларини ажратиш.</p> <p>3. Қурилиш ишларини бажариш учун «E-auksion» платформаси орқали танлов эълон қилиш.</p> <p>4. Қурилиш ишларини смета-ҳужжатларига асосан амалга ошириш.</p>	2024 йил сентябрь	Маҳаллий бюджет, Экология жамғармаси маблағлари	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги А. Абдуҳақимов, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси Б. Норқобилов
-----	---	---	-------------------	---	--

Ижро учун асосий масъул — Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А. Абдуҳақимов)

11.	93 та саноат корхоналарида локал оқова тозалаш иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш.	<p>1. Меъёридан ортиқча ифлосланган ишлаб чиқариш оқова сувларини ҳосил қилувчи корхоналар билан локал оқова тозалаш иншоотларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Дастур ижросини таъминлаш юзасидан экологик назорат тадбирларини амалга ошириш.</p>	2024 йил давомида	Ҳисоб-китобларга кўра, ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
-----	---	---	-------------------	--	--

67-мақсад: Экологик вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини кенгайтириш

Ижро учун асосий масъул — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимликлари

12.	«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йили камида 200 млн туп манзарали ва мевали дарахт ҳамда	<p>1. «Яшил макон» умуммиллий дастури доирасида 2024 йилдан бошлаб ҳудудларнинг тупроқ-иқлими шароитидан келиб чиқиб, кўкаламзорлаштириш бўйича Давлат инвестиция дастурини ишлаб чиқиш</p>	2024 йил март	Республика бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида, маҳаллий бюджет маблағлари,	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги А. Абдуҳақимов
-----	---	---	---------------	---	--

	буталар кўчатларини, қаламчаларини экиш.	мақсадида ҳудудлар кесимида манзилли дастурлар ишлаб чиқиш. 2. Маҳаллий ҳокимликлар томонидан ишлаб чиқилган манзилли дастурларни тасдиқланган ҳолда Экология вазирлигига киритиш. 3. Тақдим этилган манзилли дастурларни умумлаштириб, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш. 4. Лойиҳаларни экологик экспертизадан ўтказиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш.		ҳомийлик ва грант маблағлари	
13.	2024 йил якунига қадар яшил боғлар сонини 444 тага етказиш.	1. Ҳар бир туман (шаҳар) ҳокимликларининг ҳамда вазирлик, идоралар томонидан ташкил этиладиган боғларнинг ҳудудларига аниқлик киритиш. 2. Ҳудудларнинг тупроқ,-иқлим шароитидан келиб чиқиб, экиладиган дарахт ва бута турларини аниқлаш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш. 3. Тадбирларни молиялаштириш манбаларига аниқлик киритиш ва яшил боғларни барпо этиш.	2024 йил давомида Кўчат экиш мавсумида	Республика бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида маҳаллий бюджет маблағлари, вазирлик, идора ва ташкилотларнинг маблағлари, ҳомийлик ва грант маблағлари	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги А. Абдуҳақимов
<i>Ижро учун асосий масъул — Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А. Абдуҳақимов)</i>					
14.	112 та йирик sanoat корхоналарининг ҳудудида ва унга туташ ҳудудларда 2,1 миллион туп кўчатдан иборат «яшил белбоғ»ларни барпо этиш.	1. «Яшил белбоғ»ларни барпо этиш учун ер майдонларини белгилаш чораларини кўриш ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш. 2. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида тупроқ-иқлим	2024 йил декабрь	Ҳисоб-китобларга кўра, ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан)	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норқулов, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар

		шароитига мос дарахт турларидан «яшил белбоғ»ларни барпо этиш. 3. «Яшил белбоғ»ларни доимий равишда кўриқлаш ва парвариш қилиш ишларини ташкил этиш.			Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
68-мақсад: Ўрмонлар майдонини кенгайтириш					
<i>Ижро учун асосий масъул — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари</i>					
15.	Республикада ўрмон билан қопланган майдонларни 3,65 миллион гектарга (8,1 фоизга) етказиш чораларини кўриш.	1. Республика бўйича давлат заҳира ерларидаги мавжуд ўрмонзорлар ҳисобини аниқлаштириш. 2. Ўрмон барпо этиш ва қайта ишлаш тадбирларини давом эттириш. 3. Ўрмон билан қопланган майдонлар мониторингини юритиш.	2024 йил давомида	Маҳаллий бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар	Ўрмон хўжалиги агентлиги Н. Бакиров, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норқулов
16.	Ерларни эрозиядан ва мелиорация объектларини кум кўчишидан сақлаш учун 15 014 гектар ихота дарахтзорларини кенгайтириш.	1. Ихота дарахтзорлари барпо этиладиган ҳудудларни аниқлаш. 2. Танланган ҳудудлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш. 3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш. 4. Қишлоқ хўжалиги ерлари дала четларида кум босиш, тупроқ ва шамол эрозиясининг олдини олиш мақсадида 2500 гектар майдонда ихота дарахтзорларни барпо этиш.	2024 йил давомида	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида	Ўрмон хўжалиги агентлиги Н. Бакиров
<i>Ижро учун асосий масъул — Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А. Абдухакимов)</i>					
17.	Ўрмон хўжаликларидан ниҳол ва кўчатлар етиштиришни 112 млн тупга етказиш ҳамда дарахт ва бута уруғлари тайёрлашни 688 тоннага ошириш.	1. Кўчатхона ва ниҳолхоналар ташкил этиш мақсадида ер тайёрлаш ишларини ташкил этиш. 2. Тайёрланган ер майдонларида уруғлик ва ниҳолларни экиш ишларини амалга ошириш. 3. Ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда 688	2024 йил давомида	Маҳаллий бюджет маблағлари, ижрочиларнинг бюджетдан ташқари маблағлар	Ўрмон хўжалиги агентлиги Н. Бакиров

		тонна дарахт ва буталарнинг уруғларини жамғариш. 4. Кўчатхоналарда агротехник тадбирларни амалга ошириш (суғориш, қатор ораларига ишлов бериш, бегона ўтлардан тозалаш) ҳамда парвариш қилиш, жами 112 млн дона ниҳол ва кўчат етиштириш.			
18.	Асалари оилалари сонини 230 мингтага етказиш.	1. Ўрмон фонди ерларида хусусий сектор субъектларини жалб қилган ҳолда асалари оиласи боқиладиган майдонларни белгилаш. 2. Аниқланган ер майдонларида асалари оилаларини босқичма-босқич жойлаштириш. 3. Ажратилган ўрмон фонди ер майдонларидан мақсадли фойдаланиш мониторингини юритиш.	2024 йил давомида	Ташаббускор маблағлари	Ўрмон хўжалиги агентлиги Н. Бакиров Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари
<i>Ижро учун асосий масъул — Ўрмон хўжалиги агентлиги (Н. Бакиров)</i>					
19.	Доривор ўсимликлар тайёрлашни 9 640 тоннага етказиш.	1. Доривор ўсимликлар ташкил этиладиган ер майдонларини аниқлаш. 2. Ҳудудларнинг иқлим шароитидан келиб чиқиб, экиладиган доривор ўсимлик турлари рўйхатини шакллантириш. 3. Ҳудудларнинг иқлим шароитидан келиб чиқиб, доривор ўсимликлар уруғлик материаллари (уруғ, кўчат) захирасини шакллантириш. 4. Ер майдонларини экишга тайёрлаш. 5. Доривор ўсимликлар хом ашёсини тайёрлаш.	2024 йил давомида	Ташаббускорлар маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар	-

69-мақсад: Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни барқарорлаштириш, Орол денгизи қуриши натижасида юзага келган экологик муаммоларнинг салбий таъсирини юмшатиш

Ижро учун асосий масъул — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятлари ҳокимликлари

20.	Оролбўйи минтақасидаги ўрмонзорларни 1,9 млн гектарга етказиш.	<p>1. Орол денгизининг қуриган тубида «яшил қопламалар» ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш лойиҳаси ва харитасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. «Яшил қоплама»лар ва ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш учун чўл ўсимликлари турларини танлаш, талаб этиладиган уруғлик ва кўчат экиш материаллари захирасини яратиш.</p> <p>3. Орол денгизининг қуриган туби ва Оролбўйи ҳудудида (Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятлари) жами 200 минг гектар майдонда «яшил қоплама»ларни барпо этиш.</p>	2024 йил давомида	Қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган манбалар маблағлари	Ўрмон хўжалиги агентлиги Н. Бакиров
-----	--	---	-------------------	---	--

70-мақсад: Иқлим ўзгариши салбий таъсирининг олдини олиш

Ижро учун асосий масъул — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари

21.	Чўлланиш, қурғоқчилик, чанг-қум бўронлари ва ҳароратнинг кўтарилишига қарши чора сифатида «яшил қопламалар» ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш.	<p>1. Чўлланишнинг олдини олиш мақсадида «яшил қопламалар» ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш лойиҳаси ва харитасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Чўл ўсимликлари турларини танлаш, талаб этиладиган уруғлик ва кўчат экиш материаллари захирасини яратиш.</p>	2024 йил давомида	Қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган манбалар маблағлари	Ўрмон хўжалиги агентлиги Н. Бакиров, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норкулов
-----	--	---	-------------------	---	---

Ижро учун асосий масъул — Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И. Абдурахмонов)

22.	Республикамиздаги мавжуд барча яйловлар ҳолатини хатловдан ўтказиш ва уларнинг	1. Бунда: уларнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш; яйловларнинг электрон рақамли хариталарини яратиш,	2024 йил апрелдан бошлаб	-	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари
-----	--	--	--------------------------	---	---

	<p>ҳолатини яхшилаш чораларини кўриш.</p>	<p>уларда яйловларнинг ҳолатини тасвирлашга (акс эттиришга) доир ишларни амалга ошириш;</p> <p>яйловларнинг сифат ҳолати яхшиланиши талаб этиладиган ва фойдаланиш учун яроқсиз бўлган деградацияга учраган яйлов участкалари, шунингдек сув билан таъминланмаган яйловларни аниқлаш;</p> <p>яйлов ўсимликлари ҳолати бўйича қониқарсиз, ўрта ва яхши даражадаги классификацияга ажратиш.</p> <p>2. Деградацияга учраган яйлов майдонларининг ҳолатини яхшилаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.</p>			
<p><i>Ижро учун асосий масъул — Гидрометеорология хизмати агентлиги (Ш. Хабибуллаев)</i></p>					
23.	<p>Хавфли гидрометеорологик ҳодисалар тўғрисида барвақт огоҳлантириш даражасини 97 фоизга етказиш.</p>	<p>1. Автоматлаштирилган кузатув тармоқларидан гидрометеорологик фактик маълумотларни Ўзгидромет маълумотлар геоахборот порталига узатиш.</p> <p>2. Гидрометеорологик маълумотларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва оптимал моделларни қўллаш орқали ҳудудлар кесимида прогнозлаш хариталарини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Ходимларнинг ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлар ва маълумотларни қайта ишлаш бўйича билим ва малакасини ошириш.</p>	<p>2024 йил давомида</p>	<p>Ижрочилар маблағлари, хорижий инвестициялар ва грантлар</p>	-
24.	<p>Тоғ дарёлари оқими прогнозларининг ишончлилиқ даражасини 98 фоизга етказиш.</p>	<p>1. Республиканинг тоғ ва тоғ олди дарёларида мавжуд ва янгидан ташкил этиладиган гидрологик постлар ҳолатини ўрганиш ва натижасига кўра</p>	<p>2024 йил ноябрь</p>	<p>Ижрочилар маблағлари</p>	-

		худудларга ўрнатилиши режалаштирилган автоматлаштирилган сув тезлиги ва сатҳини ўлчаш ускунаси техник талабини ишлаб чиқиб, харидни амалга ошириш. 2. Аниқланган жойларга ускунани ўрнатиш ва ундан олинган маълумотларни Ўзгидромет маълумотлар геоахборот порталига интеграция қилиш.			
<i>Ижро учун асосий масъул — Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги (Б. Исламов)</i>					
25.	Фойдали қазилмаларни қазиб олиш натижасида бузилган ер майдонларини рекультивация қилиш.	2 000 гектар бузилган ер майдонининг рекультивация қилинишини таъминлаш, мазкур соҳада экологик назорат тадбирларини амалга ошириш.	2024 йил давомида	Ҳисоб-китоблар асосида (корхоналарнинг ўз маблағлари)	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги А. Абдуҳақимов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлари
71-мақсад: Биологик хилма-хиллик ишончли сақланишини таъминлаш					
<i>Ижро учун асосий масъул — Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А. Абдуҳақимов)</i>					
26.	Муҳофаза қилинадиган табиий худудларни 14,2 фоизгача кенгайтириш.	1. Фарғона ва Наманган вилоятлари худудида миллий табиат боғларини ташкил этиш бўйича илмий асосланган таклиф ва хариталарни тайёрлаш. 2. Фарғона ва Наманган вилоятларида миллий табиат боғларини ташкил этиш.	2024 йил август	Маҳаллий бюджет маблағлари	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норқулов, Кадастр агентлиги Ф. Пулатов, Фанлар академияси Б. Юлдашев, Наманган вилояти ҳокимлиги Ш. Абдуразақов, Фарғона вилояти ҳокимлиги Х. Бозаров
<i>Ижро учун асосий масъул — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари</i>					

27.	Доривор ўсимликларни етиштириш ва кўпайтириш бўйича ҳар йили 25 минг гектаргача майдонда маданий плантацияларни ташкил этиш.	<p>1. 25 минг гектар ер участкаларини электрон онлайн аукционга қўйиш орқали доривор ўсимликлар плантацияларини ташкил этиш учун зарурий ер майдонларини белгиланган тартибда ажратиш.</p> <p>2. Доривор ўсимликлар плантацияларини ташкил этиш учун шумғия (цистанхе), ширинмия (қизилмия), тожик ковраги, наъматак, тиканакли ковул ва бошқа экспортбоп доривор ўсимликлар экиш материалларига талабномалар асосида квоталар ажратилишини таъминлаш.</p> <p>3. Ташкил этилган доривор ўсимликлар плантацияларини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш.</p>	2024 йил баҳор ва куз мавсумида	Ташаббускор ташкилотлар маблағлари	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги И. Абдурахмонов, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги А. Абдухакимов, Ўрмон хўжалиги агентлиги Н. Бакиров, Фанлар академияси Б. Юлдашев
<i>Ижро учун асосий масъул — Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А. Абдухакимов)</i>					
28.	Айдар-Арнасой кўллар тизимида экологик барқарорликни сақлаш.	Айдар-Арнасой кўллар тизимида табиий экологик тизимларнинг таназзулга учраши суръатларини пасайтириш, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг камёб ва йўқолиб бораётган турларини қайта тиклаш, биохилма-хилликни сақлаб қолиш, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни ривожлантириш ва кенгайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.	2024 йил февраль — ноябрь	Ижрочиларнинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари	-
72-мақсад: Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари сифатини яхшилаш					
<i>Ижро учун асосий масъул — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</i>					

29.	Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари билан қамраб олиш даражасини 92 фоизга, чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини 40 фоизга ошириш.	1. Худудларда қамраб олинмаган маҳаллаларни хатловдан ўтказиш ва қўшимча махсус техника воситаларини харид қилиш. 2. Харид қилинган махсус техника воситалари ёрдамида қамраб олинмаган маҳаллаларда чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини йўлга қўйиш. 3. Чиқиндиларни қайта ишловчи корхоналарни қўшимча равишда ташкил этиш.	2024 йил декабрь	Корхоналарнинг ўз маблағлари	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги А. Абдухакимов
30.	Маиший чиқинди полигонларини камида 17 фоизга қисқартириш.	1. Маиший чиқиндилар билан тўлган полигонлар рўйхатини шакллантириш. 2. Маиший чиқинди полигонларини такомиллаштириш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш. 3. 24 та маиший чиқинди полигонларини рекультивация қилиш, тупроқ билан ёпиш ва фаолиятини тўхтатиш ишларини амалга ошириш.	2024 йил давомида	Маҳаллий бюджет маблағлари	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги А. Абдухакимов
73-мақсад: Атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш, унинг табиий таркибини сақлаш бўйича кескин чоралар кўриш					
<i>Ижро учун асосий масъул — Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А. Абдухакимов)</i>					
31.	Иқтисодиёт тармоқларида ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажмини 1,5 фоизга қисқартириш.	1. Янги ишга туширилаётган ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларида ифлослантирувчи манбаларида самарадорлиги 99,5 фоиздан кам бўлмаган чанг-газ тозалаш ускуналарини ўрнатишни ташкил қилиш. 2. Атроф-муҳитга таъсири бўйича I ва II тоифага мансуб 122 та хўжалик юритувчи субъектларга юқори самарадорликка эга чанг-газ тозалаш ускуналарини ўрнатиш ҳамда	2024 йил давомида	Ҳисоб-китобларга кўра, ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норқулов, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари

		<p>мавжудларини модернизация қилишни ташкиллаштириш.</p> <p>3. Республикада фаолият кўрсатаётган йирик саноат ва барча цемент ишлаб чиқариш корхоналарида атмосферага ташлама ташловчи манбаларида юқори самарадор чанг-газ тозалаш ускуналарини ўрнатиш.</p>			
32.	<p>Санитария-муҳофаза ва турар жой зоналарида атмосфера ҳавосининг сифат кўрсаткичлари устидан давлат назоратини кучайтириш.</p>	<p>Бунда, қуйидагилар назарда тутилади:</p> <p>Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари асосида Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳаво стандартларини ишлаб чиқиш;</p> <p>республикамиз атмосфера ҳавосининг ифлосланиши юқори бўлган ҳудудлари, жумладан, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши билан боғлиқ касалликлар келиб чиқиш ҳолатларини ўрганиш ҳамда уларнинг олдини олиш;</p> <p>санитария-муҳофаза ва турар жой зоналарида атмосфера ҳавосининг сифат кўрсаткич юзасидан аҳолига доимий, тезкор ахборот такдим этиб бориш;</p> <p>санитария-муҳофаза ва турар жой зоналарида атмосфера ҳавосининг меъёридан ортиқ даражада ифлосланиши билан боғлиқ ҳолатларда аҳолига профилактик тавсиялар бериб бориш чораларини кўриш.</p>	2024 йил давомида	<p>Ҳисоб-китобларга кўра, ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан</p>	<p>Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ш. Умурзаков, Тошкент вилояти ҳокимлиги З. Мирзаев, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги М. Азимов</p>

33.	<p>Атмосферага чиқариб ташланаётган ифлослантирувчи моддалар миқдорини камайтириш.</p>	<p>1. Тошкент шаҳрида ўтказиладиган «Автомобилсиз кун» эксперимент лойиҳаси натижаларидан келиб чиқиб, уни Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар марказларида ҳам ўтказиш бўйича асослантирилган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> <p>2. Барча иссиқхоналарда ҳавони ифлослантирувчи ва инсон саломатлигига салбий таъсир қилувчи ёнувчи модда ва буюмлар қўлланишининг олдини олиш чораларини кўриш.</p> <p>3. Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқишини таҳлил қилувчи мониторинг станциялар, чанг ва сув тозалаш каби ускуналарни импорт қилишда давлат божи миқдорларини қайта кўриб чиқиш бўйича таклифларни тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2024 йил июнь</p> <p>2024 йил февралдан бошлаб</p> <p>2024 йил май</p>	-	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари</p>
-----	--	--	---	---	--

(3-илова Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 7 майдаги ПФ-74-сонли Фармони таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.05.2024 й., 06/24/74/0332-сон)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги ПФ-37-сон Фармонига
4-ИЛОВА

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш йўналиши бўйича 2024 йилга мўлжалланган

АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

Т/р	Вазифа	Амалий чора-тадбир	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Ҳамижрочилар
IV. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ХАЛҚ ХИЗМАТИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ					

74-мақсад: Аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва ҳудудларда кундалик масалаларни ҳал этишда маҳаллани жамоатчилик ҳамда давлат органлари ўртасидаги «таянч кўприк»ка айлантириш

Ижро учун асосий масъул — Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов)

1.	Маҳалла фаолиятини рақамлаштириш.	Маҳалланинг ягона платформасини жорий қилиш. Бунда: платформа ҳамда «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари» платформаларини ўзаро интеграция қилиш; «маҳалладаги еттилик» учун хонадонга кирганда тўлдириладиган ягона саволномани ишлаб чиқиш; платформани Персоналлаштириш, Ижтимоий ҳимоя, Кадастр агентликлари, Солиқ кўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, таълим вазирликлари базалари билан интеграция қилиш; платформага маҳалла аҳолиси саломатлиги, жойларда ўтказилаётган патронаж тўғрисида маълумотларни ҳам киритиш амалиётини татбиқ этиш.	2024 йил июль	-	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги С. Абдуллаев, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги А. Хайдаров
<i>Ижро учун асосий масъул — Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (К. Куранбаев)</i>					
2.	«Энг намунали маҳалла раиси» кўрик-танловини ўтказиш.	Маҳалла раислари фаолиятини рағбатлантириш мақсадида маҳалла раислари орасида «Энг намунали маҳалла раиси» танловини ўтказиш ва унинг натижаларига кўра, ҳар йили 22 март — Маҳалла тизими ходимлари куни арафасида: Республика маҳаллани қўллаб-қувватлар кенгаши томонидан 14 нафаргача маҳалла раисига «Энг намунали маҳалла раиси» олий тоифали фахрий ёрлиғи ва 10 миллион сўм пул;	2024 йил март	-	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Б. Мусаев

		<p>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашлари томонидан 5 нафаргача маҳалла раисига «Энг намунали маҳалла раиси» биринчи тоифали фахрий ёрлиғи ва 5 миллион сўм пул;</p> <p>туман (шаҳар) маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашлари томонидан 3 нафаргача маҳалла раисига «Энг намунали маҳалла раиси» иккинчи тоифали фахрий ёрлиғи ва 3 миллион сўм пул берилиши;</p> <p>ҳар бир тумандан 7 нафаргача бўлган энг фаол маҳалла раислари учун мамлакатимиз бўйлаб зиёрат ёки экотуризм ташкил этилишини йўлга қўйиш.</p>			
<i>Ижро учун асосий масъул — Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (К. Куранбаев)</i>					
3.	«Маҳалла баланси»ни шакллантириш.	<p>Куйидаги имкониятларга эга «Маҳалла баланси» ягона электрон платформасини ишга тушириш:</p> <p>1. Уйма-уй юриш орқали аҳолининг муаммоларини ўрганаётган хотин-қизлар фаоллари, ёшлар етакчилари, ҳоким ёрдамчилари томонидан йиғилган маҳалла аҳолиси балансини шакллантириш.</p> <p>2. Маҳалла аҳолисига кўрсатилиши мумкин бўлган ижтимоий ёрдамлар ва ушбу ёрдамлардан фойдаланган шахслар, ёрдам турлари кесимида маълумотлар билан танишиш.</p>	2024 йил март	-	<p>Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги</p> <p>С. Абдуллаев,</p> <p>Ички ишлар вазирлиги</p> <p>П. Бобожонов,</p> <p>Оила ва хотин-қизлар кўмитаси</p> <p>О. Парпибоева,</p> <p>Ёшлар ишлари агентлиги</p> <p>А. Саъдуллаев,</p> <p>Солиқ кўмитаси</p> <p>Ш. Кудбиев</p>

3. Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори фаолиятини асосий самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш.

4. Касбга ўқитилган ҳамда тадбиркорликни йўлга қўйиш мақсадида субсидия, грант ва кредит маблағлари олган шахслар ҳамда уларнинг кейинги фаолиятининг мониторинги натижалари кузатиш.

5. Ягона миллий меҳнат тизими электрон базаси асосида иш берувчи ва иш изловчиларни бир-бири билан боғлаш.

6. Маҳаллада яшовчилар ўртасида никоҳ тузиш бўйича ариза берганлиги, тузилганлиги ва бекор қилинганлиги тўғрисида ФХДЁ органлари томонидан маълумотларни киритиш.

7. «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари» платформаларини ўзаро интеграция қилиш.

8. «Хориждаги ёшлар баланси»ни шакллантириш ва хорижий давлатларда таҳсил олаётган фуқароларни «Ёшлар дафтари»га киритиш имконини яратиш.

9. Уйма-уй юриб йиғилган иш изловчи шахслар тўғрисидаги маълумотларни хусусий бандлик агентликларига мунтазам ва бепул тақдим этиб бориш амалиётини жорий этиш.

		10. Маҳалла фуқаролар йиғинларида ёшларга яратилган имкониятлар ҳақида танишиб чиқиш учун алоҳида ахборот бурчакларини ташкил этиб, кўргазма материаллари билан таъминлаш.			
75-мақсад: Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини халқнинг чинакам «овозига» айлантириш					
<i>Ижро учун асосий масъул — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси (келишув асосида)</i>					
4.	Қонун лойиҳаларини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталарида кўриб чиқиш ва қабул қилиш тартибини такомиллаштириш.	Қонунчилик палатаси кўмиталари томонидан қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш амалиётини такомиллаштириш, кўмилада қонун лойиҳаси бўйича муҳокамаларни ташкил этиш ва қарорларни овоз бериш орқали қабул қилишнинг аниқ тартибини белгилаш, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида уни моддама-модда кўриб чиқиш тартибини жорий этиш.	2024 йил апрель	-	Парламент тадқиқотлари институти
76-мақсад: Маҳаллий давлат ҳокимияти ижро органлари фаолиятини трансформация қилиб, ҳудудий бошқарувни «аҳоли манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида йўлга қўйиш					
<i>Ижро учун асосий масъул — Адлия вазирлиги (А. Ташқулов)</i>					
5.	Маҳаллий ҳокимликлар ва республика ижро этувчи ҳокимият органларининг бир-бирини такрорловчи функцияларини мақбуллаштириш чораларини кўриш.	1. Маҳаллий ҳокимликлар ва республика ижро этувчи ҳокимият органларининг функциялари рўйхатини шакллантириш. 2. Маҳаллий ҳокимликлар ва республика ижро этувчи ҳокимият органларининг бир-бирини такрорловчи 30 та функциясини мақбуллаштириш. 3. Маҳаллий ҳокимликларга юклатилган 80 та фаолиятига хос бўлмаган вазифаларни бекор қилиш.	2024 йил июнь	-	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норкулов

77-мақсад: Давлат хизматларини рақамлаштиришнинг кўламини кенгайтириш орқали аҳоли учун «Сервис давлат» тизимини жорий қилиш, фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларда бюрократик тартиботларга барҳам бериш

Ижро учун асосий масъул — Адлия вазирлиги (А. Ташқулов)

6.	<p>Айрим давлат хизматларидан фойдаланишда ариза (сўровнома) бериш жараёнларини «3 кадам», «фойдаланувчи учун мослаштирилган» тамойиллари асосида қайта кўриб чиқиш ва соддалаштириш.</p>	<p>1. Ягона интерактив давлат хизматлари порталида жорий этилган 15 та давлат хизматларидан фойдаланишда ариза (сўровнома) бериш жараёнларини соддалаштириш, маълумотлар ва бошқа ҳужжатларни аҳоли ва тадбиркорлик субъектларидан талаб қилмаган ҳолда автоматик тарзда олиш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш.</p> <p>2. Хизмат кўрсатиш жараёнлари соддалаштирилган давлат хизматлари бўйича Ягона интерактив давлат хизматлари порталига тегишли техник ўзгартиришлар киритиш.</p>	<p>2024 йил июнь</p>	<p>-</p>	<p>Рақамли технологиялар вазирлиги Ш. Шерматов</p>
7.	<p>Фуқароларнинг биографик ва биометрик маълумотларини йиғишга мўлжалланган замонавий мобил қурилмаларни харид қилиш, улар учун янги дастурий таъминот ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.</p>	<p>1. Фуқароларнинг биографик ва биометрик маълумотларини йиғишга мўлжалланган замонавий мобил қурилмаларни харид қилиш.</p> <p>2. Мобил қурилмаларга янги дастурий таъминот яратиш учун техник топшириқ ҳужжатларини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Техник топшириқ ҳужжатларига мувофиқ, янги дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.</p> <p>4. Мобил қурилмаларни Ички ишлар, Ташқи ишлар ва Адлия вазирликларининг маълумотларни йиғиш пунктларига фойдаланиш учун топшириш.</p>	<p>2024 йил март-июнь</p> <p>2024 йил апрель</p> <p>2024 йил май-август</p> <p>2024 йил август</p>	<p>Адлия вазирлиги ҳузуридаги Персоналлаштириш агентлиги, Адлия вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан</p>	<p>Ички ишлар вазирлиги П. Бобожонов, Ташқи ишлар вазирлиги Б. Саидов</p>

8.	Адлия вазирлиги ҳузуридаги Персоналлаштириш агентлигининг маълумотлар базасида жисмоний шахсни унинг юз қиёфасидан (Face ID) идентификация қилиш тизимини жорий этиш.	1. Адлия вазирлиги ҳузуридаги Персоналлаштириш агентлигининг мавжуд сервер қурилмалари иш қувватини тизимлаштириш ва ахборот алмашинуви учун қўшимча хотира захирасини яратиш. 2. Жисмоний шахснинг юз қиёфасидан унинг шахсини идентификация қилиш имконини берадиган «Face ID» тизимини синовдан ўтказиш; 3. «Face ID» тизимини тўлиқ ишга тушириш.	2024 йил март 2024 йил апрель 2024 йил май	-	-
9.	Давлат хизматларини кўрсатишда жисмоний ва юридик шахсларга қўшимча қулайликлар яратиш.	1. Давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ахборот тизимларида бланк шакллари ва аризаларни автоматик тарзда тўлдириш имкониятини яратиш. 2. Давлат хизматини кўрсатувчи идораларда QR-кодларни жойлаштириб, ушбу QR-кодларни сканер қилиш орқали фуқароларга автоматик тарзда аризаларни шакллантириш ва тўлдириш бўйича чораларни кўриш.	2024 йил апрель	Ҳисоб-китобга кўра	-
78-мақсад: Давлат бошқаруви органлари фаолиятини «Халқ хизматидаги давлат» тамойили асосида ташкил этиш					
<i>Ижро учун асосий масъул — Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов)</i>					
10.	Сайлов жараёнларини рақамлаштириш учун «E-SAYLOV» ахборот тизимини ишлаб чиқиш.	1. «E-SAYLOV» ахборот тизими ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш. 2. «E-SAYLOV» ахборот тизимини тўлиқ ишга тушириш.	2024 йил март	Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси	Марказий сайлов комиссияси (келишув асосида)
79-мақсад: Янги Ўзбекистонни барпо этишда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада ошириш					
<i>Ижро учун асосий масъул — Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)</i>					
11.	Миллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш муассасалари Глобал альянсида «А»	Миллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш муассасалари Глобал альянсида «А» мақомини олиш учун хорижий тажриба	2024 йил декабрь	Ижрочилар маблағлари	-

	мақомини олиш учун тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш.	асосида чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишни ташкил этиш.			
8.	«Ер ости бойликлари тўғриси»да Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳаси.	Лойиҳада: ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат органлари ваколатларини аниқлаштириш. ер қаъридан барқарор фойдаланиш тамойилини киритиб, оқилона ишлатиш талаблари ер қаъридан фойдаланувчининг мажбурияти сифатида белгилаш. инвестиция жозибдорлигини кескин ошириш мақсадида давлат органи назорати остида ер қаъридан фойдаланиш рухсатномасини тасарруф этиш. ер қаъри кадастр тизимини янада такомиллаштириш, жумладан, давлат ер қаъри фонди кадастри ҳамда углеводород кадастрини жорий этиш. экология ва атроф-муҳитни келгусида кафолатли асраш мақсадида ер қаъридан фойдаланишда экологик хавфсизликни таъминлашнинг қоидаларини белгилаш назарда тутилади.	2024 йил апрель	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги А. Абдухақимов, Энергетика вазирлиги Ж. Мирзамахмудов, Адлия вазирлиги А. Ташкулов
9.	«Ер ости бойликлари тўғриси»даги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши муносабати билан ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномалар бериш тартибини янада такомиллаштириш бўйича	Лойиҳада: ер қаъридан фойдаланишга оид нормаларни кучайтириш; фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганиш ва қазиб олиш учун рухсатномалар расмийлаштириш тартибини кучайтириш; рухсатномаларга эга ер қаъридан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини кучайтириш, даврий ва якуний ҳисоботларни тақдим этиш, қазилмаларни геологик	2024 йил август	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги А. Абдухақимов, Адлия вазирлиги А. Ташкулов

	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси.	жиҳатдан ўрганиш ҳамда қазиб олишнинг йиллик минимал харажатларини белгилаш назарда тутилади.		
<i>Ижро учун асосий масъул — Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А. Абдуҳақимов)</i>				
10.	Республикада оқова сув тозалаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси.	Лойиҳада оқова сув тармоқларига меъёрдан ортиқча ифлослантирувчи моддаларни (қорамол териси, қоғоз ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, матоларни бўяш, ёғ-мой, нефть ва газ маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда паррандачиликка ихтисослашган корхоналар ва қорамол қушхоналари чиқиндилари) оқизганлик учун амалдаги компенсация миқдорини кескин ошириш назарда тутилади.	2024 йил октябрь	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Ш. Хидоятлов, «Ўзсувтаъминот» АЖ Д. Азимов
<i>Ижро учун асосий масъул — «Ўзсувтаъминот» АЖ (Д. Азимов)</i>				
11.	Ичимлик сувдан оқилонга фойдаланишда жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси.	Лойиҳада ичимлик сув таъминоти ташкилотлари ходимлари томонидан ичимлик ва оқова сув тизимларидан фойдаланишда аниқланган қоидабузарликлар ҳақида берилган маълумотларга асосан расмийлаштириб, ундирилган жарималардан хабар берган ходимларни белгиланган тартибда рағбатлантиришга йўналтириш ҳамда аҳоли томонидан махсус ахборот тизимига ноқонуний уланишлар ҳақида фотосуратлар ва видеоёзувларни юборган шахсларни белгиланган тартибда пул мукофоти билан рағбатлантириш назарда тутилади.	2024 йил апрель	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Ш. Хидоятлов
<i>Ижро учун асосий масъуллар — Тошкент ва Жиззах вилоятлари ҳокимликлари (З. Мирзаев ва Э. Салиев)</i>				
12.	Экологик тоза ҳудуд режимини Тошкент ва Жиззах вилоятларида жорий қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси.	Тошкент ва Жиззах вилояти ҳокимликларининг Бўстонлик ва Зомин туманларидаги туристик-рекреацион зоналарида экологик тоза ҳудуд режимини татбиқ этиш бўйича қарор лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Бунда: экологик тоза ҳудуд режимини татбиқ этиш бўйича маҳаллий ҳокимлик ва дирекциялар ўртасида қўшма чора-тадбирлар режалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш; қўшма чора-тадбирлар режалари тасдиқланиши назарда тутилади.	2024 йил август	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги А. Абдуҳақимов
69-мақсад: Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни барқарорлаштириш, Орол денгизи қуриши натижасида юзага келган экологик муаммоларнинг салбий таъсирини юмшатиш.				

Ижро учун асосий масъул — Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А. Абдухакимов)

13.	Маҳсулот ва хизматларни ихтиёрий экологик маркировкалаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.	Лойиҳада: хусусий сектор иштирокини кенгайтириш орқали экологик маркировкалаш тизимини шакллантириш; маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқиш ва реализация қилишда уларнинг экологик таъсири тўғрисида истеъмолчиларнинг тўғри ахборот олиш ҳуқуқларини таъминлаш назарда тутилади.	2024 йил июль	-
14.	Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва республика ҳудудидан олиб чиқишда экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни мажбурий экологик сертификатлаш тартибини такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.	Лойиҳада: мажбурий экологик сертификатланиши лозим бўлган хавфли маҳсулотлар ва чиқиндилар рўйхатини Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар доирасидаги мажбуриятларидан ва миллий қонунчиликда белгиланган бошқа талаблардан келиб чиқиб қайта шакллантириш; мажбурий экологик сертификатлаштириш лозим бўлган олди-сотди объекти бўлган, хавфли маҳсулотлар ва чиқиндилар, шунингдек, ташилиши керак бўлган хавфли чиқиндилар рўйхатини тасдиқлаш; республика ҳудудига олиб кирилиши ман этилган хавфли маҳсулотлар ва чиқиндилар (<i>хавфсиз қайта ишланмайдиган</i>) рўйхатини тасдиқлаш; хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни экологик сертификатлаштириш тартибини, унинг аниқ мезонларини белгилаш орқали оптимизация қилиш назарда тутилади.	2024 йил июнь	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Л. Кудратов, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норкулов

73-мақсад: Атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш, унинг табиий таркибини сақлаш бўйича кескин чоралар кўриш

Ижро учун асосий масъул — Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А. Абдухакимов)

15.	Қурилиш майдонларида чанг ва қум заррачаларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этиш бўйича қонун лойиҳаси.	Лойиҳада 500 ва ундан ортиқ квадрат метрлик қурилиш майдонида, унга кириб-чиқиш йўлларида чанг ва қум заррачаларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этиш бўйича мажбурий талабларни бузганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш назарда тутилади.	2024 йил март	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси К. Тўлаганов
16.	Ўзбекистонда чанг бўронларига қарши курашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш бўйича	Лойиҳада: Марказий Осиёнинг чўл ҳудудларида ҳимоя ўрмонзорларини яратиш бўйича қўшни давлатлар билан	2024 йил апрель	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги И. Абдурахмонов

<p>2024 — 2030 йилларга мўлжалланган миллий дастурни тасдиқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳаси.</p>	<p>амалий тадбирларни белгилаш ишларини ташкиллаштириш; Марказий Осиё давлатларида экологияга масъул ташкилотларнинг биргаликда чанг бўронларига қарши курашиш юзасидан доимий эксперт маслаҳатлашувларини йўлга қўйиш; мамлакатимизда чўлга айланаётган ҳудудларда ва деградацияга учраган яйловларда чанг ва қум кўтарилишининг олдини олиш бўйича тадбирлар; атмосферага саноат корхоналари ва автомашиналар томонидан зарарли тутунларнинг чиқарилишини камайтириш бўйича амалий чоралар; чанг бўронларини прогноз қилиш тизимини такомиллаштириш; яйловлардан фойдаланиш ва уларни назорат қилишнинг таъсирчан тизимини жорий қилиш; олий таълим тизимида яйловлар экологияси ва бошқаруви бўйича бакалавр ва магистратура кадрлари тайёрлаш тизимини такомиллаштириш назарда тутилади.</p>	
--	--	--

Изоҳ: мазкур рўйхатда келтирилмаган мақсадлар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари 2025 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган Давлат дастурларида назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги ПФ-37-сон Фармониغا
9-ИЛОВА

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш йўналиши бўйича 2024 йилда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари

РЎЙХАТИ

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида назарда тутилган тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
IV. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ХАЛҚ ХИЗМАТИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ				
76-мақсад: Маҳаллий давлат ҳокимияти ижро органлари фаолиятини трансформация қилиб, ҳудудий бошқарувни «аҳоли манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида йўлга қўйиш				
<i>Ижро учун асосий масъул — Стратегик ислоҳотлар агентлиги (Б. Раҳматов)</i>				

1.	Маъмурий ислохотларнинг иккинчи босқичида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.	<p>Лойиҳада:</p> <p>маҳаллий ҳокимликлар, республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари ваколатлари доирасида ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларни аниқ белгилаш;</p> <p>маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг такрорланадиган вазифа ва функцияларини қайта кўриб чиқиш ва мақбуллаштириш;</p> <p>вилоят ва туман (шаҳар) даражасидаги ҳокимликлар вазифа ва функцияларининг аниқ чегарасини белгилаш ва уларнинг масъулияти доирасини аниқлаштириш;</p> <p>айрим республика ижро этувчи ҳокимият органларининг қуйи бўлинмаларини вилоят, туман (шаҳар) ҳокимлиги бўйсунувига ўтказиш;</p> <p>ҳокимликларнинг ҳудудий ижро органлари штат бирлиги ва тузилмаларини белгилашдаги ролини ошириш;</p> <p>маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш бўйича таклифларни тайёрлаш назарда тутилади.</p>	<p>2024 йил июнь</p> <p>2024 йил сентябрь</p>	<p>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги</p> <p>И. Норкулов, Адлия вазирлиги А. Ташкулов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари</p>
<p>77-мақсад: Давлат хизматларини рақамлаштиришнинг кўламини кенгайтириш орқали аҳоли учун «Сервис давлат» тизимини жорий қилиш, фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларда бюрократик тартиботларга барҳам бериш</p>				
<p><i>Ижро учун асосий масъул — Адлия вазирлиги (А. Ташкулов)</i></p>				
2.	Айрим давлат хизматларини «проактив» ёки «композит» шаклда кўрсатишни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси.	<p>Лойиҳада:</p> <p>«E-auction» электрон савдо платформасида ғолиблик учун расмийлаштирилган баённомани олиш ва кўчмас мулкка нисбатан кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни композит шаклда кўрсатиш;</p> <p>бино ёки иншоотни бир йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага беришда ижара шартномасини давлат рўйхатидан ўтказишни композит шаклда кўрсатиш назарда тутилади.</p>	<p>2024 йил ноябрь</p>	-
<p><i>Ижро учун асосий масъул — Адлия вазирлиги (А. Ташкулов)</i></p>				

3.	Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси.	Лойиҳада нефт-газ билан боғлиқ лицензияланадиган фаолият турларини амалга ошириш тартиб-таомиллари соддалаштирилиши, шунингдек нефт маҳсулотларини сотиш фаолиятини бошлаш билан боғлиқ ортикча тартиб-таомилларни бекор қилиш назарда тутилади.	2024 йил март	-
4.	Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг нотариусга шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг аслини тақдим этиш талабини бекор қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси.	Лойиҳада Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг нотариусга шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг аслини тақдим этиш талабини бекор қилган ҳолда шахсни тасдиқловчи ҳужжат реквизитлари орқали Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсини биометрик маълумотлар (бармоқ изи ва Face-ID) орқали верификация қилиш назарда тутилади.	2024 йил апрель	-
5.	Архив соҳасини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги фаолиятини тубдан такомиллаштиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси.	Лойиҳада: «Ўзархив» агентлигининг тизим ташкилотларини оптималлаштириш, архив иши соҳасида электрон архив ахборот тизимини жорий этиш, кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш; «Ўзархив» агентлиги ходимларининг ижтимоий ва моддий ҳимоясини такомиллаштириш назарда тутилади.	2024 йил март	-
6.	«Давлат хизматларини кўрсатиш тизимини трансформация қилиш ҳамда соҳада бюрократик тартиботларни тубдан қисқартиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармони лойиҳаси.	Лойиҳада: давлат хизматларини кўрсатишда ундириладиган тўловлар бўйича аҳолига энгиллик ва преференциялар бериш; жисмоний ва юридик шахслар электрон онлайн-аукцион орқали ер участкалари ва ундаги биноларни сотиб олганда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни композит тарзда давлат рўйхатидан ўтказишни йўлга қўйиш;	2024 йил март	-

		<p>2024-2025 йилларда яна камида 100 та хизматни электронлаштириш, уларни давлат хизматлари марказлари ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатишни йўлга қўйиш;</p> <p>2024-2025 йилларда хизмат кўрсатишда фуқаролардан қоғоз шаклда талаб қилинадиган камида 10 турдаги ҳужжат ва маълумотни фуқародан сўрашни бекор қилиб, уни электрон олиш имкониятини яратиш;</p> <p>камида 20 турдаги хизматни кўрсатиш муддатларини, аҳолидан олинadиган ҳужжатларни қисқартириш;</p> <p>автомототранспортга давлат рақамини беришни инсон омилисиз автоматлаштирилган тизим орқали расмийлаштириш (харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга рақамлар бундан мустасно) имкониятини яратиш назарда тутилади.</p>		
7.	«Ўзбекистон Республикасида аҳолининг ягона реестрини шакллантириш ва юритиш тартибини жорий қилиш чоратадбирлари тўғрисида» Президент Фармони лойиҳаси.	<p>Лойиҳада:</p> <p>«Аҳолининг ягона электрон реестри» ахборот тизими жорий этиш;</p> <p>Ахборот тизими қуйидаги имкониятларга эга бўлади:</p> <p>шахсга доир маълумотлар қонунчилик талабларига мувофиқ муҳофаза қилиш;</p> <p>шахсга доир маълумотлар реал вақт режимида янгилаб бориш;</p> <p>турли давлат органлари ва ташкилотларнинг ахборот тизимларидаги электрон базаларда шаклланган шахсга доир маълумотлар марказлашган ҳолда ахборот тизимида жамлаш;</p> <p>шахсга доир маълумотлар шахс вафот этганидан сўнг 75 йил давомида сақлаш;</p> <p>маълумот субъектларига ахборот тизимидан мобил илова орқали ўзига тегишли маълумотлардан фойдаланиш назарда тутилади.</p>	2024 йил март	-
<i>Ижро учун асосий масъул — Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Ш. Хидоятлов)</i>				

8.	Коммунал тармоқлардаги барча рақамлар (газ, электр, иссиқ сув, ичимлик суви, канализация, чиқинди) жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамига ва юридик шахсларнинг солиқ тўловчининг идентификация рақамига боғланишини таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.	Лойиҳада ҳар бир шахсга «ягона миждоз» тамойили асосида уникал рақамдан фойдаланган ҳолда хизматлар кўрсатилишини йўлга қўйиш назарда тутилади.	2024 йил март	Рақамли технологиялар вазирлиги Ш. Шерматов, Адлия вазирлиги А. Ташкулов
78-мақсад: Давлат бошқаруви органлари фаолиятини «Халқ хизматидаги давлат» тамойили асосида ташкил этиш				
<i>Ижро учун асосий масъул — Стратегик ислоҳотлар агентлиги (Б. Раҳматов), Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти (М. Раҳманқулов)</i>				
9.	Давлат бошқарувини номарказлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.	1. Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳудудий бўлинмалари ва маҳаллий ҳокимликларга ўтказиш мумкин бўлган функция ва ваколатларини танлаб олиш ва уларнинг якуний рўйхатини шакллантириш. 2. Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳудудий бўлинмалари ва маҳаллий ҳокимликлар тайёрлигини таҳлил қилиш. 3. Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг функция ва ваколатларини ҳудудий бўлинмалар ва маҳаллий ҳокимликларга ўтказиш механизмлари (тартиби).	2024 йил август	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норқулов, Адлия вазирлиги А. Ташкулов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
10.	Давлат бошқаруви органлари фаолиятида стратегик йўналишларни режалаштириш тизимини яратиш бўйича «Стратегик режалаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси.	Стратегик режалаштиришнинг механизмлари ва уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг комплекс тизими жорий этиш.	2024 йил декабрь	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норқулов, Адлия вазирлиги А. Ташкулов
79-мақсад: Янги Ўзбекистонни барпо этишда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада ошириш				
<i>Ижро учун асосий масъул — Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов)</i>				
11.	Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш тизимини	Лойиҳада:	2024 йил март	Адлия вазирлиги А. Ташкулов,

	<p>такомиллаштириш, шу жумладан, ушбу соҳасида парламент назоратини кучайтириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.</p>	<p>халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши ваколатларини кенгайтириш; халқаро рейтинг ва индексларни соҳалар ва тармоқларга ажратиш; алоҳида соҳада устувор рейтингни белгилаш орқали амалдаги устувор этиб белгиланган 24 та халқаро рейтингни қайта кўриб чиқиш; «Ўзбекистон Республикаси халқаро рейтингларда» ягона порталини такомиллаштириш, унда масъул вазирлик ва идораларнинг ушбу соҳадаги фаолиятини, чора-тадбирлар ижроси ва КРІларга эришиш ҳолатини мониторинг ва таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш тизимини яратиш; мамлакатимиз кўрсаткичлари салбий баҳоланган ва ўзгаришсиз қолаётган халқаро рейтингларни Сенат мажлисларида муҳокама қилиб бориш амалиётини кучайтириш назарда тутилади.</p>		<p>Олий Мажлис Сенати (келишув асосида)</p>
<p><i>Ижро учун асосий масъул — Олий Мажлис Сенати (келишув асосида)</i></p>				
12.	<p>Ўзбекистонда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини ривожлантириш концепцияси бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.</p>	<p>1. Ўзбекистонда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш бўйича миллий ва хорижий экспертлар иштирокида ишчи гуруҳ тузиш. 2. Кенгаш фаолиятига доир барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш. 3. Хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, концепция лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни тасдиқлаш бўйича тегишли фармон лойиҳасини тайёрлаш.</p>	<p>2024 йил декабрь</p>	<p>-</p>
<p>80-мақсад. Норма ижодкорлиги фаолиятининг ислоҳотлар билан уйғунлигини таъминлаш ва давлат ҳуқуқий сиёсатининг институционал асосларини ривожлантириш</p>				
<p><i>Ижро учун асосий масъул — Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов)</i></p>				
13.	<p>Хўжалик бошқаруви органлари институтини бекор қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.</p>	<p>Лойиҳада: 2025 йил 1 январдан хўжалик бошқаруви органлари институтини бекор қилиш;</p>	<p>2024 йил сентябрь</p>	<p>Давлат активларини бошқариш агентлиги А. Ортиқов, Стратегик ислоҳотлар агентлиги</p>

		<p>қонун ҳужжатларини хатловдан ўтказиб, уюшмалар фаолиятига давлат аралашуви, жумладан, уюшмалар раҳбарларини келишиш каби тартиботларни бекор қилиш; хўжалик бошқаруви органларининг рўйхатини шакллантирган ҳолда, ҳар бири бўйича давлатга тааллуқли функцияларни тегишли вазирлик ва идораларга юклаш; хўжалик бошқаруви органлари таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига давлат органлари (юқори турувчи органлар), идора ва ташкилотлар аралашувиغا йўл қўймаслик ҳамда мазкур корхоналар ўз фаолиятини бозор механизмларига асосланган ҳолда, корпоратив бошқарув тамойилларига мувофиқ амалга оширишини таъминлаш назарда тутилади.</p>		<p>Б. Раҳматов, Адлия вазирлиги А. Ташкулов</p>
14.	Ўзбекистон Республикасида қонуности ҳужжатлари билан жорий этилган мажбурий тўловлар ва йиғимлар рўйхатини шакллантириш ва уларни ягона қонун ҳужжати даражасида белгилаш бўйича қонун лойиҳаси.	Ўзбекистон Республикасида қонуности ҳужжатлари билан жорий этилган мажбурий тўловлар ва йиғимлар рўйхатини шакллантириш ва уларни ягона қонун ҳужжати даражасида белгилаш.	2024 йил декабрь	Адлия вазирлиги А. Ташкулов
<i>Ижро учун асосий масъул — Солиқ қўмитаси (Ш. Кудбиев)</i>				
15.	Солиқ органлари фаолиятини тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатишга трансформация қилишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.	<p>Лойиҳада:</p> <p>солиқ тизимининг маҳаллалар даражасидаги фаолияти самарадорлигини ошириш;</p> <p>маҳаллаларда солиқ ходимларининг самарали фаолиятини ташкил этиш, амалга оширилган ишлар мониторингини ва назоратини олиб бориш мақсадида «Маҳаллаларда солиқ органлари фаолияти» ахборот тизимини ишга тушириш;</p>	2024 йил март	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги А. Хайдаров

		<p>маҳаллаларга бириктирилган солиқ инспекторлари томонидан тадбиркорларга фаолиятини қонунийлаштириш ва кенгайтиришда ёрдам бериш, ҳар бир тадбиркорлик субъекти билан манзилли иш ташкил этган ҳолда муаммоларни ҳал этиш;</p> <p>паст қувватда ишлаётган корхоналарга мавжуд имкониятларни ўрганган ҳолда тўлиқ қувватда ишлашига кўмак бериш ҳамда шу ҳисобидан солиқ базасини кенгайтириш назарда тутилади.</p>		
<i>Ижро учун асосий масъул — Адлия вазирлиги (А. Таикулов)</i>				
16.	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда манфаатдор шахслар таклифларини ўрганиш механизмларини жорий қилишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.</p>	<p>Лойиҳада: ишлаб чиқиладиган ёки ишлаб чиқилиши режалаштириладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисидаги маълумотларни, лойиҳа юзасидан таклифларни юбориш манзили ва муддатларини ишлаб чиқувчилар томонидан ўзларининг расмий веб-сайтларига жойлаштириш мажбуриятини белгилаш; олинган таклифлар юзасидан тўлдирилган жадвални ишлаб чиқувчининг расмий веб-сайтига жойлаштириш мажбурияти ҳамда муддатларини белгилаш; лойиҳани Адлия вазирлигига экспертизадан ўтказиш учун киритишда лойиҳа ишлаб чиқувчиларининг расмий веб-сайтларида ишлаб чиқилиши назарда тутилган лойиҳа ҳақидаги маълумотлар расмий эълон қилинганлигини, шунингдек, олинган таклифлар юзасидан жадвалларни тақдим қилиш мажбуриятини белгилаш (давлат сири билан боғлиқ бўлган лойиҳалар бундан мустасно) назарда тутилади.</p>	2024 йил ноябрь	-
17.	<p>Қонунчилик тизимини такомиллаштириш ва тартибга солиш юқини камайитиришни</p>	<p>Лойиҳада: фақат қонунлар билан тартибга солиниши лозим бўлган ижтимоий муносабатларнинг аниқ рўйхатини белгилаш;</p>	2024 йил март	-

	назарда тутувчи норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси.	қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишни режалаштириш дастурлари асосида амалга ошириш тартибини жорий этиш; норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини такомиллаштириш. норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда илмий ташкилотларни кенг жалб қилиш назарда тутилади.		
18.	Интеллектуал мулкнинг кафолатли ҳимоясини таъминлаш бўйича норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси.	Лойиҳада интеллектуал мулкнинг кафолатли ҳимоясини таъминлаш, шу жумладан контрафакт маҳсулотлар айланмасига қарши курашиш тизимини такомиллаштириш мақсадида контрафакт маҳсулотларни олиб қўйиш ва йўқ қилишнинг аниқ механизмларини белгилаш ва айрим турдаги маҳсулотларни (озик-овқат, алкоголь, тамаки, шахсий гигиена воситалари ва бошқалар) савдога чиқаришдан олдин рақамли маркировкада интеллектуал мулк ҳуқуқларига риоя этилганлигини назорат қилиш тартибини жорий этиш назарда тутилади.	2024 йил ноябрь	Бош прокуратура Н. Йўлдошев, Олий суд Б. Исламов, Божхона қўмитаси А. Мавлонов, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
19.	Интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузганлик учун белгиланган жавобгарлик чораларини янада кучайтириш бўйича норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси.	Интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузганлик учун белгиланган жавобгарлик чораларини янада кучайтириш, жумладан жиноий жавобгарликни жорий қилиш, саноат мулки ҳуқуқларини бузганлиги учун БҲМнинг 20 бараваридан 1000 бараваригача жарима пули ундириш механизминини жорий қилиш.	2024 йил сентябрь	Бош прокуратура Н. Йўлдошев, Олий суд Б. Исламов
20.	Интернетда, шу жумладан, ижтимоий тармоқларда интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш бўйича норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси.	Интернетда, шу жумладан, ижтимоий тармоқларда интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш.	2024 йил декабрь	Рақамли технологиялар вазирлиги Ш. Шерматов, Бош прокуратура Н. Йўлдошев, Олий суд Б. Исламов
21.	Қонунларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга	Лойиҳада:	2024 йил апрель	Парламент тадқиқотлари институти

	солишдаги таъсир кучини ва ролини ошириш, тўғридан тўғри қонунларни қабул қилиш амалиётини кенгайтириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.	2017 — 2023 йилларда қабул қилинган қонунларни хатловдан ўтказиш натижалари бўйича қонунлардаги реализация қилинмаган ҳаволаки нормаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш; ҳаволаки нормаларни амалга оширишнинг аниқ муддатлари ва масъул ижрочиларини белгилаш амалиётини жорий этиш назарда тутилади.		А. Тошпўлатов
81-мақсад. Давлат фуқаролик хизматини меритократия, ҳалоллик ва профессионализм тамойиллари асосида ташкил этиш				
<i>Ижро учун асосий масъул — Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (Ғ. Мирзаев)</i>				
22.	Давлат фуқаролик хизматини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси ва уни тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони лойиҳаси.	Халқаро ташкилотлар ва хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда 2030 йилгача мўлжалланган асосий истикболдаги йўналишлар ҳамда мақсадли кўрсаткичларини ўз ичига олган Давлат фуқаролик хизматини 2030 йилгача ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш.	2024 йил декабрь	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Б. Мусаев, Адлия вазирлиги А. Ташкулов, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норкулов
23.	Республика ижро этувчи органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидаги давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятини самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолашни йўлга қўйиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси.	Лойиҳада биринчи босқичда, эксперимент тариқасида, 5 та республика ижро этувчи ҳокимият органларида, кейинчалик эса барча республика ижро этувчи ҳокимият органларида ва маҳаллий ҳокимликларда давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолашни йўлга қўйиш назарда тутилади.	2024 йил ноябрь	Рақамли технологиялар вазирлиги Ш. Шерматов Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
82-мақсад: Халқ билан мулоқотни янада кенгайтириш орқали аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш тизимининг самарадорлигини ошириш				
<i>Ижро учун асосий масъул — Вазирлар Маҳкамаси (Д. Каландаров)</i>				
24.	Ҳукумат ва республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳудудларда аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш бўйича маҳаллий давлат	Лойиҳада: «Маҳалла — туман — вилоят — республика» тамойили асосида аҳоли муаммолари рўйхатини шакллантириб бориш;	2024 йил апрель	Адлия вазирлиги А. Ташкулов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва

<p>хокимияти органлари билан ҳамкорлигини кучайтириш, бунда Ҳукумат, республика ижро этувчи ва хўжалик бошқаруви органлари даражасида қарор қабул қилишни талаб этадиган муаммоларни «Ҳукумат куни»да муҳокама қилиш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш тизимини жорий қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.</p>	<p>Худудларда аҳоли муаммоларини аниқлаш ва рўйхатини юритиш бўйича ишчи гуруҳ таркибини тасдиқлаш; «Ҳукумат куни»да муҳокама қилинадиган муаммоларни аниқлаш, рўйхатини шакллантириш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тартибни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш назарда тутилади.</p>		<p>Тошкент шаҳри хокимликлари</p>
<p>83-мақсад: Эркин фуқаролик жамиятини ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, Ўзбекистонни фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича хабга айлантириш</p>			
<p><i>Ижро учун асосий масъул — Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамахмудов)</i></p>			
<p>25. Энергетика тизимидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш механизмларини янада кенгайтиришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.</p>	<p>1. Ёқилғи-энергетика тизимидаги ҳуқуқбузарликлар кўлами, уларнинг юридик шахсларга бевосита боғлиқ жиҳатлари, юзага келиш ва ортиб бориш сабабларини таҳлил қилиш. 2. Йирик энергия ва сув истеъмолчилари ҳисобланган юридик шахслар (тадбиркорлик субъектлари) фаолиятида фуқаролик жамияти институтлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартибини белгилаш. 3. Жамоатчилик назоратини амалга оширувчи институтлар фаолият йўналишларини ишлаб чиқиш, унинг натижаларини жамоатчиликка эълон қилиб бориш механизминини тасдиқлаш.</p>	<p>2024 йил август</p>	<p>Бош прокуратура Н. Йўлдошев, Адлия вазирлиги А. Ташкулов</p>
<p><i>Ижро учун асосий масъул — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) (Ф. Эшматова)</i></p>			
<p>26. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили</p>	<p>Лойиҳада: Омбудсман ўз олдида турган вазифаларини монеликсиз ҳамда самарали амалга ошириши учун қўшимча</p>	<p>2024 йил апрель</p>	<p>Олий суд Б. Исламов, Ички ишлар вазирлиги</p>

<p>(омбудсман)нинг такомиллаштириш норматив-ҳуқуқий лойиҳаси.</p>	<p>фаолиятини бўйича ҳужжат</p>	<p>кафолатлар бериш, уларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини белгилаш;</p> <p>давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳолати тўғрисида Омбудсман томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлисга тизимли равишда ахборот тақдим этиш;</p> <p>Омбудсманнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис палаталари ва Вазирлар Маҳкамасига инсон ҳуқуқлари, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг айрим йўналишлари бўйича ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа чора-тадбирлар кўришга қаратилган махсус маърузалар тақдим қилиши;</p> <p>Омбудсманнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи;</p> <p>Омбудсман лавозимига олий маълумотли, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида зарур тажрибага ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган, сайланиш куни 30 ёшдан кичик бўлмаган ва бевосита сайловгача камида беш йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкинлиги;</p> <p>айни бир шахснинг икки мартадан ортиқ Омбудсман этиб сайланишига йўл қўйилмаслиги;</p> <p>Омбудсман ва унинг ўринбосарининг ўз ваколат муддати даврида дахлсизлиги бўйича қўшимча кафолатлар;</p> <p>Омбудсманнинг доимий асосда ишловчи минтақавий вакили мақоми;</p> <p>Омбудсман томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш бўйича қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларини ёзма равишда огоҳлантириш, шунингдек,</p>	<p>П. Бобожонов, Адлия вазирлиги А. Ташкулов</p>
---	---------------------------------	---	--

		<p>давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарларига аниқланган қонун бузилишлари бўйича уларни содир этишга имкон яратган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритиш ҳукуқи;</p> <p>Давлат органлари ва ташкилотларининг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини кўриб чиқиш билан боғлиқ йиғилишларида, шу жумладан Олий суд Пленуми мажлисларида Омбудсманнинг иштирок этиш ҳукуқи;</p> <p>Жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналари ҳудудида «Омбудсман қутиси»ни сақлашнинг ҳуқуқий механизмлари, унда эркинликдан маҳрум этилган шахслар томонидан мурожаатлар жойлаштириш тартиби;</p> <p>Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига рия этилиши ва ҳимоя қилиниши ҳолати тўғрисида Омбудсман томонидан жамоатчиликни хабардор қилиш тартиби ва механизми назарда тутилади.</p>		
<p align="center">84-мақсад: Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашни суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мезонига айлантириш</p>				
<p align="center"><i>Ижро учун асосий масъул — Адлия вазирлиги (А. Ташқулов)</i></p>				
27.	<p>Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг ҳудудий бўлимларида ўтказиладиган экспертизалар турларини босқичма-босқич ошириш, шунингдек, Марказнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.</p>	<p>Лойиҳада:</p> <p>Марказнинг ҳудудий бўлимларида мавжуд экспертиза турларини таҳлил қилиш;</p> <p>Марказда мавжуд бўлган экспертиза турларини Марказнинг ҳудудий бўлимларида босқичма-босқич ўтказиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш;</p> <p>Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш;</p> <p>Марказнинг Тошкент вилоятидаги ҳудудий бўлимини ташкил этиш назарда тутилади.</p>	2024 йил октябрь	<p>Ички ишлар вазирлиги</p> <p>П. Бобожонов,</p> <p>Бош прокуратура</p> <p>Н. Йўлдошев</p>

28.	<p>Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказида Генетик жиҳатдан ўзгартирилган организмлар экспертизасини жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.</p>	<p>Лойиҳада: Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказида Генетик жиҳатдан ўзгартирилган организмлар (ГМО) экспертизасини жорий этиш ва лозим бўлган услубиётларни ишлаб чиқиш; Марказнинг ходимларини бу борада малакасини ошириш ҳамда зарур бўлган технологиялар билан таъминлаш назарда тутилади.</p>	<p>2024 йил ноябрь</p>	<p>Ички ишлар вазирлиги П. Бобожонов, Бош прокуратура Н. Йўлдошев</p>
<i>Ижро учун асосий масъул — Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов)</i>				
29.	<p>Ички ишлар органлари жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари фаолиятини моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси.</p>	<p>Лойиҳада ички ишлар органлари жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларида жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш ва жамғарманинг молиявий манбалари этиб: ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати саф бўлинмалари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича ундирилган маъмурий жарималар маблағлари; фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги шартномалар асосида келиб тушадиган пул маблағлари; қурол, унинг ўқ-дорилари, махсус ва хавфли юкларнинг қўриқловини таъминлаш тўғрисидаги шартномалар асосида келиб тушадиган пул маблағлари; оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги шартномалар асосида келиб тушадиган пул маблағлари; қурол муомаласи соҳасидаги лицензия ва рухсатномаларни бериш ҳақидаги аризалар кўриб чиқилганлиги учун ундириладиган йиғимлар; жисмоний ва юридик шахсларга тегишли итларни умумий бўйсунувчанлик ҳамда ҳимоя-қоровул кўникмалари бўйича тайёрлаш юзасидан пуллик хизмат кўрсатишдан тушган пул маблағлари;</p>	<p>2024 йил сентябрь</p>	<p>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норкулов</p>

		етиштирилган ва ўзларининг эҳтиёжидан ортиқ бўлган ҳамда комиссия томонидан хизматга яроқсиз итларни сотишдан тушган пул маблағлари; вақтинча бўш турган миллий валютадаги маблағларни тижорат банклари депозитларига белгиланган тартибда жойлаштиришдан олинadиган даромадлар; қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағларни белгилаш назарда тутилади.		
30.	Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қонун лойиҳаси.	Лойиҳада: тротуарлардан, велосипед йўлкаларидан ва яшил ҳудудлар майдонларида автомобилни юргизиш; тегишли руҳсатсиз йўлнинг қатнов қисмига тўсиқлар ўрнатиш ёки уларни тўсиб қўйиш, худди шунингдек транспорт воситалари ва фуқароларнинг ҳаракатига тўскинлик қилувчи бошқа қурилмаларни ноқонуний ўрнатганлик учун жавобгарликни жорий қилиш назарда тутилади.	2024 йил апрель	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
87-мақсад. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини инсон манфаатлари, кадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтириш.				
<i>Ижро учун асосий масъул — Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов)</i>				
31.	Ички ишлар органларининг пробацция бўлинмалари ходимларига кўшимча устама тўланадиган махсус малака даражасини бериш тартиби тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси.	Лойиҳада жазо ижросини таъминлаш, маҳкумларни ахлоқан тузатиш, жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда юқори натижаларга эришган пробацция хизмати, унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларига кўшимча устама тўланадиган махсус малака даражасини бериш тартиби, шунингдек махсус малака даражасини бериш мезонларини ишлаб чиқишда қуйидагиларни инobatга олиш: ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаётган назорат остидаги шахсларни юқори даромадли ишга жойлаштиришга кўмаклашиш; пробацция назоратидаги шахсларни такроран жиноят содир этишининг олдини олиш;	2024 йил май	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норкулов

		пробация назоратидаги шахсларнинг ишга жойлаштириш, бандлигини таъминлаш; пробация назоратидаги шахсларни қайта ижтимоийлашувини таъминлаш; пробация назоратидаги шахслар билан индивидуал ишлаш самарадорлиги назарда тутилади.		
<i>Ижро учун асосий масъул — Бош прокуратура (Н. Йўлдошев)</i>				
32.	Жиноят-процессуал қонунчилигида процесс иштирокчиларини Ўзбекистондан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тартибини белгилаш бўйича қонун лойиҳаси.	Лойиҳада: Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тарзидаги процессуал мажбурулов чорани Жиноят-процессуал кодексига киритиш; гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилмаган, бироқ Ўзбекистон Республикаси чегарасини тарк этиб суриштирув, дастлабки тергов ёхуд суддан узрли сабабларсиз бўйин товлаши мумкинлигига етарли асослар мавжуд бўлганда суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд уларнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш назарда тутилади.	2024 йил ноябрь	Ички ишлар вазирлиги П. Бобожонов, Олий суд Б. Исламов
<i>Ижро учун асосий масъул — Адлия вазирлиги (А. Ташқулов)</i>				
33.	Суғурта шартномасидан келиб чиқадиган низоларни судгача ҳал этиш тартибини жорий қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.	Лойиҳада низоларни судгача ҳал этишни янада кенгайтириш мақсадида суғурта шартномасидан (истеъмолчи ва суғурта ташкилоти ўртасида) келиб чиқадиган низолар молиявий масалалар бўйича вакил институти томонидан ҳал этилиши тартибини жорий қилиш назарда тутилади.	2024 йил октябрь	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норкулов
<i>Ижро учун асосий масъул — Олий суд (Б. Исламов)</i>				
34.	Амалдаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини танқидий жиҳатдан таҳлил қилиш, кенг жамоатчилик муҳокамасининг натижалари илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида айрим тоифадаги иқтисодий	Лойиҳада айрим тоифадаги иқтисодий (масалан, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги) ишларни кўриш ваколатини тегишлилиги бўйича маъмурий органларга ўтказиш назарда тутилади.	2024 йил ноябрь	Адлия вазирлиги А. Ташқулов

	ишларни кўриш ваколатини тегишлилиги бўйича маъмурий органларга ўтказиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.			
89-мақсад: Коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ишларини жадал давом эттириш				
<i>Ижро учун асосий масъул — Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов)</i>				
35.	Бюджет соҳасига оид ҳуқуқбузарлик ва молиявий хатоликлар вужудга келиши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг (риск) умумлашган Ягона таснифини тасдиқлаш ва келгусида бундай хатоликларнинг олдини олиш юзасидан жамоат назоратини ўрнатиш ҳамда очикликни таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси.	Лойиҳада: хавф-хатарлар (риск) классификаторини ишлаб чиқиш; хавф-хатарлар (риск)ларни аниқлашда ахборот тизимини яратиш; аниқланган ҳуқуқбузарлик ва молиявий хатоликлар тўғрисида оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш; камчиликларга йўл қўяётган вазирлик ва идораларнинг рўйхатини эълон қилиб бориш; бюджет маблағлари сарфланиши устидан жамоат назоратини ўрнатиш орқали ҳуқуқбузарлик ва молиявий хатоликларнинг олдини олиш назарда тутилади.	2024 йил октябрь	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги А. Бурханов

Изоҳ: мазкур рўйхатда келтирилмаган мақсадлар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари 2025 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган Давлат дастурларида назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги ПФ-37-сон Фармониغا
10-ИЛОВА

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг «Хавфсиз ва тинчликсевар давлат» тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш йўналиши бўйича 2024 йилда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари

РЎЙХАТИ

Т/р	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида назарда тутилган тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
V. «ХАВФСИЗ ВА ТИНЧЛИКСЕВАР ДАВЛАТ» ТАМОЙИЛИГА АСОСЛАНГАН СИЁСАТНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ				
94-мақсад: Хорижда истиқомат қилаётган ватандошларни қўллаб-қувватлаш, улар билан доимий мулоқот тизимини жорий этиш				

Ижро учун асосий масъул — Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов)

1.	Юртимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида иштирок этишга интилаётган ватандошларга «Ватандош гувоҳномаси»ни бериш амалиётини жорий этиш доирасида «Ватандош гувоҳномаси»ни бериш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.	Лойиҳада гувоҳномани бериш тартибини белгиловчи зарур нормалар назарда тутилади.	2024 йил июнь	Ташқи ишлар вазирлиги Б. Саидов, Адлия вазирлиги А. Ташкулов, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норкулов, «Ватандошлар» жамоат фонди О. Сағтаров
----	---	--	---------------	--

97-мақсад: Жаҳонда содир бўлаётган мураккаб глобал жараёнларни инобатга олган ҳолда Қуролли Кучларнинг қудрати, мамлакатнинг мудофаа қобилияти ва ҳарбий салоҳиятини янада ошириш

Ижро учун асосий масъул — Мудофаа вазирлиги (Б. Курбанов)

2.	Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳаси.	Лойиҳада мамлакатнинг ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш ва мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш борасидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш назарда тутилади.	2024 йил июнь	-
----	---	---	---------------	---

Ижро учун асосий масъул — Мудофаа вазирлиги (Б. Курбанов)

3.	Юқори малакали ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизимини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш, ўқув жараёнига ҳарбий тайёргарликнинг замонавий усуллари кенг жорий этиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси.	Лойиҳада: давлат олий таълим муассасаларида резерв ва захирадаги офицерларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш; Самарқанд, Андижон, Урганч ва Термиз шаҳарларида жойлашган олий таълим муассасалари қошида Ўзбекистон миллий университети Ҳарбий тайёргарлик ўқув марказининг филиалларини ташкил этиш назарда тутилади.	2024-2025 йиллар	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги К. Шарипов
----	---	--	------------------	--

Ижро учун асосий масъул — Мудофаа вазирлиги (Б. Курбанов)

4.	Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини	Лойиҳада:	2024 йил якунига қадар	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги И. Норкулов
----	--	-----------	------------------------	--

<p>ривожлантириш, ҳарбий хизматни ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси.</p>	<p>ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини уй-жой билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш ва янги сифат босқичига кўтариш; турар жойни ижарага олганлиги учун ҳарбий хизматчиларга бериладиган ҳар ойлик пул компенсациясининг белгиланган миқдорини 50 фоизга ошириш; ҳарбий хизматчиларга узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитларининг бошланғич бадал миқдорини уй-жой билан таъминланмаган ва уй-жойга муҳтож ҳарбий хизматчиларнинг ҳақиқий календарь ҳисобида хизмат муддатига кўра 25 фоиздан 50 фоизгача ошириш, бунда календарь ҳисобида йигирма йил ва ундан ортиқ ҳарбий хизматни ўтаган ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматдан резервга (истеъфога) бўшатишган (чиқарилган) фуқаролар учун бошланғич бадал миқдорини 50 фоиз этиб белгилаш назарда тутилади.</p>		
--	---	--	--

98-мақсад: Фавқулодда вазиятлар ва глобал иқлим ўзгариши билан боғлиқ аҳоли ҳаётига хавф солувчи офатларнинг олдини олиш

Ижро учун асосий масъул — Фанлар академияси (Б. Юлдашев)

<p>5. Сув омборлари тўғонларининг зилзилабардошлигини радиолокацион космик мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси.</p>	<p>Лойиҳада: Сув омборлари тўғонларининг зилзилабардошлигини доимий космик мониторинг қилиш тизимини жорий этиш; I-II-синфга кирувчи сув омборлари тўғонлари ва уларга туташ майдонларнинг деформацияланиш, силжиш ва чўкиш динамикасини аниқлаш мақсадида доимий радиолокацион космик мониторингни амалга ошириш; кучли зилзилалар содир бўлганда сув омборлари тўғонларининг деформацияланиш, силжиш ва чўкиш динамикасини радиолокацион космик мониторинг тизими орқали аниқлаш; сув омборлари тўғонлари ва уларга туташ майдонларнинг турли жадалликдаги зилзилалар ёки бошқа жараёнлар натижасидаги ўзгаришлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш;</p>	<p>2024 йил март</p>	<p>Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги Ш. Кадиров, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги А.Кулдашев, Сув хўжалиги вазирлиги Ш. Хамраев, Рақамли технологиялар вазирлиги Ш. Шерматов, Адлия вазирлиги А. Ташкулов, Сейсмология институти В. Рафиқов</p>
---	---	---------------------------	--

		сейсмологик ва космик мониторинг натижасида аниқланган маълумотларнинг хавфсизлик мезонлари талабларига мос келиши (ёки аксинча) ва тўғоннинг сейсмик мустаҳкамлиги тўғрисида хулоса тайёрлаш; хулосада фавқулодда вазиятларнинг келиб чиқиш хавфлари юзага келиши мумкин бўлган ҳолатлар аниқланганда, сув омборларига масъул бўлган ташкилотлар томонидан Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Фанлар академияси ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда зудлик билан тегишли чоратадбирларни амалга ошириш назарда тутилади.		
<i>Ижро учун асосий масъул — Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (А. Кулдашев)</i>				
6.	«Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси.	Лойиҳада: маъмурий ислоҳотларга мувофиқ вазирлик ва идораларнинг фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича вазифа ва функцияларини қайта кўриб чиқиш; ёниш ва портлаш хавфи юқори бўлган кимёвий моддалар (маҳсулотлар) билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар ҳамда иқлим ўзгариши ва табиий офатлар хавфини камайтириш юзасидан маҳаллий ва давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари ва вазифаларини қайта кўриб чиқиб, тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш назарда тутилади.	2024 йил ноябрь	Адлия вазирлиги А. Ташкулов
100-мақсад: Жамиятда миллатлараро тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини ривожлантириш				
<i>Ижро учун асосий масъул — Маданият вазирлиги (О. Назарбеков)</i>				
7.	Биродарлашган ҳудуд ва шаҳарлар ассоциациясини тузиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси.	Лойиҳада биродарлашган ҳудуд ва шаҳарлар ассоциациясини тузиш ва унинг фаолиятини самарали ташкил этиш назарда тутилади.	2024 йил декабрь	Миллатлараро муносабатлар қўмитаси Р. Курбанов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

Изоҳ: мазкур рўйхатда келтирилмаган мақсадлар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари 2025 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган Давлат дастурларида назарда тутилади.

(Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 23.02.2024 й., 06/24/37/0146-сон; 03.04.2024 й., 06/24/55/0263-сон, 08.05.2024 й., 06/24/74/0332-сон; 10.05.2024 й., 06/24/75/0335-сон)